

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА
РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ
МАРКАЗИ**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
хузуридаги олий таълим тизими педагог
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини ошириш Тармоқ маркази
директори _____ Г.Ахунова
“ _____ ” _____ 2015 й.

“КОРПОРАТИВ МОЛИЯ” МОДУЛИ БЎЙИЧА

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тузувчи: доц. Х.Қурбонов

Тошкент – 2015

Мундарижа

ИШЧИ ДАСТУР	3
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ.....	8
1-Мавзу. Молиявий менежментнинг мақсади ва вазифалари.....	8
2-Мавзу. Корхоналар пассивларини бошқариш	20
3-Мавзу. Акциядорлик жамиятлари активлари ва улар бўйича молиявий қарор қабул қилиш асослари	25
4- Мавзу. Пул оқимларини бошқариш ва бюджетлаштириш	37
5-Мавзу. Акциядорлик жамиятлари молиявий натижаларининг шаклланиши ва тақсимланиши	42
ТАКДИМОТ	49
ТЕСТ САВОЛЛАРИ	77

ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Мазкур ишчи дастур Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хукукий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишининг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуклар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масоғадан ўқитиш усусларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилаётган мавзуулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш хисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар ўзgartирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

- Тингловчиларга корпоратив молия ҳақидаги илмий-назарий концепциялар тўғрисида қиёсий, таҳлилий маълумотлар бериш, замонавий педтехнологиялардан фойдаланиб тингловчиларни малакасини оширишга кўмаклашиш;
- Корпоратив молия, бу соҳада олиб борилаётган ислохотлар тўғрисидаги асосларнинг ишлаб чиқилганлигини ёритиш ва тингловчиларда уларни аниқ илмий назарий таҳлил қилиш, холис баҳолаш ва мустақил ҳаётий позициясини вужудга келтиришга эришиш;
- Жаҳон молиявий иқтисодий инқизози шароитида корпоратив молия, уни бошқариш тизимидағи ислоҳотлар билан боғлиқ ўзгаришлар ва янгиланишларни илмий-назарий таҳлил этиш ва ўзига хос хусусиятлари, мақсад-вазифаларини тингловчиларга етказиш;

Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар

“Корпоратив молия” модулини ўзлаштириш жараённида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- замонавий педагогик ва ахборот технологияларини амалиётда қўллаш бўйича кўникмаларга эга бўлиши зарур;
- корпоратив молиянинг ташкилий, хукукий ва иқтисодий асослари;

- капиталлар таркиби ва уни бошқаришга оид фндаментал билимларга эга бўлиши лозим.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Фан мазмуни ўқув режадаги учинчи ва бешинчи блок ва мутахассислик фанларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг Олий таълимдаги ўрни

Хозирги глобаллашув шароитида корпоратив мулкчилик шаклидаги хўжалик субъектлар молияси тизимидағи ислоҳотларнинг устувор йўналишлари тўғрисида назарий ва амалий билимларни мужассамлаштирган бўлиб, унда жаҳон мамлакатлари ва Республикамиздаги ислоҳотларнинг концептуал асослари ёритиб берилган. Замонавий иқтисодчи педагог кадрлар учун ушбу йўналишдаги маълумотларни ўзлаштириш талаб қилинади ва бунда фаннинг роли юқоридир.

Модуллар бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат						Мустакили таълим
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси жумладан				Мустакили таълим	
			Жами	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот		
1.	Молиявий менежментнинг мақсади ва вазифалари	4	4	2	2	-	-	
2.	Акциядорлик жамиятларида пассивларини бошқариш .	10	10	4	4	2		
3.	Акциядорлик жамиятлари активлари ва улар бўйича молиявий қарор қабул қилиш асослари	6	4	2	2	-	2	
4.	Пул оқимларини бошқариш ва бюджетлаштириш	6	4	2	2		2	
5.	Акциядорлик жамиятлари молиявий натижаларининг шаклланиши ва тақсимланиши	4	4	2	2			
Жами:		28	26	12	12	2	4	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Молиявий менежментнинг мақсади ва вазифалари (2 соат)

Режа

1. Моливий менежмент тизимининг мазмун ва моҳияти.
2. Корхоналар молиясини бошқаришнинг назарий асослари ва тамойиллари.
3. Молиявий менежментнинг функционал элементлари.

Моливий менежмент тизимининг мазмун ва моҳияти. Корхоналар молиясини бошқаришнинг назарий асослари ва тамойиллари. Молиявий хизмат тизими. Молиявий менежментнинг ахборотлар тизими. Молиявий менежментнинг функционал элементлари. Молиявий режалаштириш.

2-мавзу. Акциядорлик жамиятларида пассивларини бошқариш (4 соат)

Режа

1. Капиталнинг мазмуни ва корхоналарда пассивларни бошқаришнинг назарий асослари.

2. Капиталнинг алоҳида элементлари ва уни оптимал таркибини шакллантириш бўйича қарорлар қабул қилиш.

3. Молиявий ричаг(левередж) самараси.

Акциядорлик жамиятлари пассивларининг мазмуни ва таркиби. Капиталнинг мазмуни ва корхоналарда пассивларни бошқаришнинг назарий асослари. Капиталнинг алоҳида элементлари ва уни оптимал таркибини шакллантириш бўйича қарорлар қабул қилиш. Капиталнинг ўртача тортилган қиймати. Молиявий ричаг(левередж) самараси.

3-мавзу. Акциядорлик жамиятлари активлари ва улар бўйича молиявий қарор қабул қилиш асослари (2 соат)

Режа

1. Пул оқимларининг вақтли қиймат концепцияси.

2. Келгуси пул оқимларининг жорий қийматини баҳолаш.

3. Корхоналарнинг активлар структураси, асосий активларлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш.

4. Айланма активлар ва уларни бошқариш

Келгуси пул оқимларининг жорий қийматини баҳолаш. Корхоналарнинг активлар структураси, асосий активларлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш. Асосий активлар ва уларни бошқариш. Айланма активлар ва уларни бошқариш. Дебторлик қарзларини бошқариш.

4-мавзу. Пул оқимларини бошқариш ва бюджетлаштириш (2 соат)

Режа

1. Пул оқимлар тушунчаси ва унинг мазмуни.

2. Пул оқимларининг таҳлили.

3. Пул оқимларини прогнозлаш ва оптималлаштириш.

Пул қомилари тушунчаси ва унинг туркумланиши. Пул оқимларининг таҳлили. Молиявий, инвестицион ва операцион фаолиятдан пул оқимлари. Пул оқимларини прогнозлаш ва оптималлаштириш. Акциядорлик жамиятларида бюджетлаштириш.

5-мавзу. Акциядорлик жамиятлари молиявий натижаларининг шаклланиши ва тақсимланиши (2 соат)

Режа

1. Корхоналар молиявий натижаларнинг шаклланиши.

2. Харажат ва сарфлар тушунчаларининг мазмуни ва моҳияти.

3. Фойда ва унинг манбалари.

4. Дијон формуласи ва фойдага таъсир этувчи омиллар.

Корхоналар молиявий натижаларнинг шаклланиши. Махсулот реализациясидан тушум ва унинг тақсимланиши. Харажат ва сарфлар тушунчаларининг мазмуни ва моҳияти. Фойда

ва унинг манбалари. Фойданинг тақсимланиши. Корхоналарни солиқقا тортиш. Дюпон формуласи ва фойдага таъсир этувчи омиллар.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот. Молиявий менежментнинг мақсади ва вазифалари (2 соат)

Режа

1. Моливий менежмент тизимиning мазмун ва моҳияти.
2. Корхоналар молиясини бошқаришнинг назарий асослари ва тамойиллари.
3. Молиявий менежментнинг функционал элементлари.

2-амалий машғулот. Акциядорлик жамиятларида пассивларни бошқариш (4 соат)

Режа

1. Капиталнинг мазмуни ва корхоналарда пассивларни бошқаришнинг назарий асослари.
2. Капиталнинг алоҳида элементлари ва уни оптимал таркибини шакллантириш бўйича қарорлар қабул қилиш.
3. Молиявий ричаг(левередж) самараси.

3-амалий машғулот. Акциядорлик жамиятлари активлари ва улар бўйича молиявий қарор қабул қилиш асослари (2 соат)

Режа

1. Пул оқимларининг вақтли қиймат концепцияси.
2. Келгуси пул оқимларининг жорий қийматини баҳолаш.
3. Корхоналарнинг активлар структураси, асосий активларлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш.
4. Айланма активлар ва уларни бошқариш

4-амалий машғулот. Пул оқимларини бошқариш ва бюджетлаштириш (2 соат)

Режа

1. Пул оқимлар тушунчаси ва унинг мазмuni.
2. Пул оқимларининг таҳлили.
3. Пул оқимларини прогнозлаш ва оптималлаштириш.

5-амалий машғулот. Акциядорлик жамиятлари молиявий натижаларининг шаклланиши ва тақсимланиши (2 соат)

Режа

1. Корхоналар молиявий натижаларнинг шаклланиши.
2. Харажат ва сарфлар тушунчаларининг мазмuni ва моҳияти.
3. Фойда ва унинг манбалари.
4. Дюпон формуласи ва фойдага таъсир этувчи омиллар.

КЎЧМА МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Мазкур модул бўйича ўқув режада кўчма машғулотлар 6 соат режалаштирилган бўлиб, мутахассисликнинг етакчи вазирлик ва идораларида ташкил этилади. Кўчма машғулотларда етакчи вазирлик, идораларнинг мутахассислари томонидан вазирлиқда ташкил этилади.

МУСТАҚИЛ ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛИ ВА МАЗМУНИ

Мустақил ишни ташкил этишда тингловчилар томонидан “Корпоратив молияни бошқариш” модулида ўрганилаётган масалалар, дискуссиялар бўйича билдирилаётган фикр-мулоҳазаларни шакллантириш мақсадида улар томонидан қўшимча манбалардан, жумладан интернет сайтлари, инглиз тилида чоп этилган адабиётлар ва мақолалардан фойдаланишини кўзда тутади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. Т., 1997.
3. Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". Т., 1997.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.
5. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш хисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Халқ сўзи газетаси. 2015 йил 17 январь, №11 (6194).
6. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш илии бўлади// Халқ сўзи газетаси-Тошкент, 2014 йил, 18 январь
7. Каримов И.А. Бош мақсадимиз- кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш.-Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 36 б.
8. Ислом Каримов 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012. – 36 б.
9. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласи // Халқ сўзи газетаси –Тошкент, 2011 йил, 22 январь, №16(5183)
10. Б.Тухлиев. Молиявий менежмент.-Т.: ТДИУ, 2007 йил.
11. Кожухар В.М. Практикум по экономической оценке инвестиций “Издательский дом Дашков и К” -М., 2007. 148 с.
12. Поляк Г.Б. Финансы. - М.: ЮНИТИ, 2006. – 534 с.
13. Ковалева В. Финансы. -М.: Проспект, 2006.- 498 с.
14. Курбанов Х.А. Корпоративные финансы.-Т.: TACIS, 2005.-143 р.
15. Миляков Н.В. Финансы:учебник. 2-е изд. - М.: ИНФРА-М, 2004. – 543 с.
16. Брейли Р., Майерс С. «Принципы корпоративных финансов», М.: «Олимп бизнес», 2004- с. 1294.
17. Бочаров В.В. Финансовое инженерия.- СПб. «Питер», 2004 г.
18. Шапкин А.С. Экономические и финансовые риски: Оценка, управление, портфель инвестиций.- М.: «Дашков и К°», 2004 г.
19. Turalay Kenc, «Corporate finance», Text Lectures, 2004.
20. Бочаров В.В., Леонтьев В.Е. Корпоративные финансы. - СПб.: Питер, 2002 г.
21. Brealey R., S. Myers «Principles of corporate finance» 6th editions · Irvin- McGraw-Hill.2000, Chapter 1.

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

1-Мавзу. Молиявий менежментнинг мақсади ва вазифалари Режа

1. Моливий менежмент тизимининг мазмун ва моҳияти.
2. Корхоналар молиясини бошқаришнинг назарий асослари ва тамойиллари.
3. Молиявий менежментнинг функционал элементлари.

Калит сўзлар: молия, молиявий бошқарув, молиявий режалаштириш, классик молия назарияси, неоклассик молия назарияси, молиявий назорат, молиявий инструментлар, хўжалик мустақиллиги, ўз-ўзини молиялаштириш, моддий жавобгарлик, молиявий заҳира имкониятларни таъминлаш.

1. Моливий менежмент тизимининг мазмун ва моҳияти.

XX асрнинг 2-ярми жаҳон хўжалигида революцион ҳам эволюцион бурилиш даври бўлди. Натижада илмий-техник тараққиётнинг кескин авж олиши ва жаҳон хўжалиги товар ишлаб чиқаришнинг кескин ўсиши барча соҳаларда бўлганидек бошқарувнинг илмий концепцияларида ҳам тараққиётлар бўлишига олиб келди. Натижада замонавий молиявий менежмент концепцияси мустақил шаклдана бошладики унинг асосий муаммоси сифатида корхоналар молиявий муносабатлари, пул маблағларини айланишининг ички ва ташқи омилларини таъсирига асосланган ҳолда самарали ташкил этиш масалаларини ўз ичига ола бошлади.

Бозор иқтисодиети хўжалик субъектлари орқали ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнида бозордаги талаб ва таклиф, аниқ истъемолчилар талаблари, ишлаб чиқарувчи учун максимал фойда олиш имкониятини туғдирувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни кўзда тутади.

Бошқарувнинг бозор шарт-шароитлари, Ўзбекистон иқтисодий истиқболлари ва менталитети учун хусусиятли ҳисобланувчи бошқарув тизимини шакллантиришни, мамлактимизда шакллантирилаётган бозор иқтисодиети аҳоли учун реал иқтисодий эркинлик мавжуд бўлишини назарда тутади. Менежмент корхоналар бошқарувининг самарали тизими сифатида бундай имкониятларга эгалигини тасдиқлайди.

Ўзбекистон республикаси ташкилотлари, корхоналари ташқи муҳитини ўрганиш (тадибркорлик фаолиятининг ташкилий-хуқуқий асослари, товарлар, хизматлар, молиявий бозорлар, баҳоларни шакллантириш тизимлари, бухгалтерия ҳисоби тизимлари) ва уларнинг асосий фаолият соҳаларини ўрганиш таҳлили(маркетинг тадқикотлари, молиявий менежмент, ишлаб чиқариш, сотиш жараёнлари, бухгалтерия ҳисоби ва персоналларни бошқариш) шуни кўрсатадики, баъзи корхоналар имконият даражасида бундай ташқи муҳит ўзгаришлари натижасидаги ноананавий янги муаммоларни анъанавий усуслар воситасида ўзига хос фаолият соҳаларини мослаштиришга ҳаракат қиласидилар.

Шунинг учун замонавий шарт шароитларда айрим корхоналар олдида асосий вазифа сифатида ташқи мухит ўзгаришларига ўз фаолият соҳаларини тезлик билан мослаштира олиш ва вужудга келган муаммоларни осонлик билан ўз фойдаси ҳисобига ҳал этиш масаласи юзага келади. Худди шунингдек ҳар қандай корхонанинг асосий фаолият соҳаларидан бири молиявий менежмент ҳисобланади. Молиявий менежмент- корхоналарда молиявий ресурслар ва капиталларни бошқариш ҳисобланади.

Молиявий менежментнинг фаолият тури сифатида 2 та йирик соҳани кўриш мумкин:

- корхона раҳбарияти томонидан қарорлар асосида молиявий ресурслар ва капиталларни бошқаришни уз ичига олувчи ички хўжалик фаолияти;
- корхона ва бошқа хўжалик субъектлари ўртасидаги молиявий муносабатларни ўрнатиш жараёнидаги амалга ошириладиган молиявий ресурслар ва капиталларни бошқаришнинг ташқи жараёни.

Бошқарув тизими бошқарилаётган обьектларга зарурий таъсирини таъминлайди. Бошқарув фаолияти одатда ташкилотнинг маъсул шахслари ўртасида ва маҳсус бўғинлари ўртасида тақсимланади. Бошқарув тизими бўғинлари чизиқли, функционал, чизиқли – функционал, функционал- чизиқли ва бошқа турли комбинацияларда бўлиши мумкин.

Молиявий менежмент – корхоналар бошқарувининг умумий мақсадларига эришишга йўналтириш учун амал қиласидиган тизимдир Россиялик иқтисодчи Л.Павлованинг такидлашича, «молиявий менежмент бир томондан аниқ қонуниятлар ва аҳамиятга эга бўлган бошқарилувчи тизим, иккинчи томондан эса – корхона умумий бошқарув тизимининг бир қисми бўлган бошқарувчи тизимдир»¹ деб таъкидлайди. Бунда бошқариладиган тизим ҳисобланувчи молиявий менежмент сезиларли равишда давлатнинг солиқлар, баҳо, иш ҳақи ва бошқа дастаклари воситасидаги таъсир этиш соҳаси назарда тутилади. Бошқарилувчи тизим сифатида эса молиявий менежмент бошқарув қарорлари оқимларга таъсир этувчи бошқарув обьекти ҳисобланишини назарда тутилади.

Албатта молиявий менежмент давлатнинг эски молия-кредит механизми воситасидаги маъмурий бошқарув механизмини акс эттирмайди, чунки молиявий менежмент иқтисодий эркинликка асосланган иқтисодий тизим шароитида фаолият юритувчи хўжалик субъектлари ўзаро ички манфатларига асосланган ҳолдаги бошқарув тизими эски бошқарув тизими камчиликларини бартараф этиш имкониятига эгадир. Масалан, Иқтисодчи Бирман А.М.нинг фикрича «Кейинги 10 йилликнинг асосий камчилиги, режалаштириш, рағбатлантириш ва бошқариш тизимидағи камчиликлар ҳисобланиб, бошқарувнинг амалдаги ҳолати корхоналар ўзларининг заҳираларини яширишга, режани бажариш имкониятига эга бўлиш ва тегишли моддий мукофотларни олиш учун ташаббусни ушлаб туришга ҳаракат қилганлар»¹. Муаллифнинг бу фикрида иқтисодиётни самарали бошқаришнинг асосий дастаги сифатида молия мухим роль ўйнаши таъкидланади. Молиявий

¹ Павлова Л.Н. «Финансовый менеджмент», М: «Банки и биржи», 1995. 65-бет

¹ Бирман А.М. «Опережая время». - М.: Наука, 1990.

бошқарувнинг замонавий тизими ҳисобланган молиявий менежментнинг асосий мақсади иқтисодий субъектлар ўртасида ўзаро ижтимоий адолатлилик тамойиллари асосида иқтисодий манфаатлар тақсимотига эришиш ҳисобланади.

Молиявий менежментнинг муҳим услугий асоси сифатида уни ташкил қилишнинг умумий тамойилларини аниқлаб олиш ҳисобланади. Бу уз навбатида молиявий менежмент ҳаракат фаолиятини аниқлаб олиш учун, уни амал қилишини умумий мезонларини аниқлаб олиш учун зарур ҳисобланади. Шуни ҳисобга олиш керакки молиявий менежмент корхоналар ички доирасида эмас, балки доимий равишда бюджет, бюджетдан қисқа фонdlар, банклар ва бошқа кредиторлар, молия кредит муассалалари, институционал инвесторларнинг ўзаро муносабатларида ҳам акс этади..

Айрим ҳолларда, молиявий менежмент, режалаштириш, рафбатлантириш, алохида элементларнинг ўзаро мувофиқлиги, вариативлиги, мақсадли йўналтирилганлиги кабиларни уз ичига оловчи бошқарувни ташкил қилишнинг умумий тамойиллари билан ҳам бир таъсир доирасида бўлади. Албатта биз таъкидлаганимиздек, молиявий менежмент тизимининг шаклланиши хўжалик субъектларининг иқтисодий мустақил лиги яъни тадбиркорлик фаолиятининг кенг имкониятларини шаклланиши билан белгиланади. Бунда, бюджет билан ўзаро солиқли муносабатлар тизимини шаклланиши, корхоналар асосий ва айланма маблағларни шакллантиришда кредит ва инвестицион усулларнинг шаклланиши, бозор механизmlари асосида корхоналар иқтисодий фаолиятидаги турли хатарлар бўйича масъулият, фойдани тақсимлаш имкониятини корхоналар ихтиёригага ўтиши ва бошқа омиллар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам молиявий менежмент концепциясини ўрганишнинг асоси-тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади деб таъкидлашимиз мумкин.

Менежмент тизимида ҳар қандай вазифани ҳал қилиш бошқарув қарорларини қабул қилишда камида 4 турдаги таъминотни талаб қилинади: иқтисодий, математик, техник ва турли хилдаги иқтисодий, молиявий маълумотлар таъминоти молиявий бошқариш учун зарурий қарор қабул қилишади. Тўлиқ иқтисодий асосланган ахборотлар асосида амалга оширилиши мақсадга мувофик. Бундаги асосий масала олинган маълумотларни ўзига хос хусусиятлари, аҳамияти ва уларни корхоналарда такрор ишлаб чиқаришга таъсир этувчи омиллар таъсир даражаси нуқтаи назардан гурухлаш, кўрсаткичлар тизимини шакллантиришда тегишли манба сифатида фойдаланиш корхоналарнинг келгуси такрор ишлаб чиқариш жараёни жадаллаштириш ва ресурслардан имконият даражасида самарали фойдаланиш учун молиявий қарор қабул қилишда муҳим рол ўйнайди.

Бошқариш тизимида бошқарадиган тизимлар ва бошқариладиган тизимлар ўзига хос рол ўйнайди. Бошқариладиган тизимлар тизимлар ўзига хос объектларга эга бўлиб бундай объектлар сифатида корхоналарнинг активлари ва пассивларини кўриб утилади.

Молиявий бошқарув тизимининг умумий тарзда тизимлаштирадиган бўлсак қўйидаги шаклга эга бўлади:

- умумий молиявий таҳлил ва режалаштириш;

- корхоналарни молиявий ресурслар билан таъминлаш(корхонанинг молиявий манбаларини бошқариш);
- молиявий ресурсларни тақсимлаш(инвестицион сиёсат ва активларни бошқариш).

Молиявий таҳлил ва режалаштириш			
БАЛАНС			
Активларни бошқариш	Асосий воситалар	Хусусий капитал	Капиталларни бошқариш (пассивларни бошқариш)
	Жорий активлар	Жалб қилинган капитал	

Молиявий бошқариш фаолиятининг бундай соҳасига ажратилишининг мантиғи корхонанинг мулкий ва молиявий ҳолатини акс эттирувчи ҳисбот шаклларининг асоси сифатида бухгалтерия баланси ҳисобланади.

Ишбилармон фаоллик асоси- корхонанинг иқтисодий потенциалини ўсиб бориши ҳисобланади. Қандайдир инвестицион лойиҳаларга капитал жамғариш воситасида тадбиркор аниқ давр мобайнида авансланган капитални қайтариб олишни балки кузланган фойдани олишни кўзда тўтиши лозим. Бундай фойдани баҳолаш яъни мазкур лойиҳа фойдалими ёки йўқми?- деган дилеммани ечиш инвестициялардан келгуси тушумларни башорат қилишга асосланади.

Бундай пул оқимларини бошқариш учун зарурий бўлган қарорлар қабул қилиш молиявий хўжалик фаолиятининг натижаларини динамик қўрсаткичлари ҳисобланвчи бухгалтерия ҳисоби ахборотлар тизимига таянади.

Молиявий хўжалик фаолиятининг ахборотлар таъминоти ўзига хос мураккаб структурани ташкил қиласи ва турли омиллар: бошқариш даражаси, ахборотларни мақсадли йўналиши, улардан фойдаланучиларни таркиби билан аниқланади. Корхоналар даражасида бошқарув қарорлари қабул қилининг асосий ахборотлар манбаи бухгалтерия ҳисботлари ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисоби функцияси нафақат хўжалик фаолияти фактларини қайд этиш тизими ҳисобланади балки ҳисобланган натижаларни ишончлилик табиатини кўзда тутувчи молиявий ҳисоб-китоблар технологиялари ҳисобланади.

Молиявий ҳисоб-китоб технологиялари капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларини пайдо бўлиши билан шаклланган бўлиб мустақил фан сифатида тегишли молиявий ҳисоб-китоб технологиялари тўғрисидаги билимлар XIX асрларда пайдо бўлди. Бу даврларда молиявий ҳисоблаш технологияларини «тижорат ҳисоб-китоблари», «тижорат арифметикаси» тушунчалари билан таниқли бўлган. XX асрда тезлик билан содир бўлган иқтисодий ўсиш ва иқтисодий тараққиёт ишлаб чиқариш жараёнидаги ахборотларни шу кадар кўпайтирдики бундай ахборотларни бошқарув

қарорлари қабул қилиш учун йигиши ва уларни қайта ишлаш масаласи муаммога айланиб қолди.

Корхоналарни самарали ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш ва кам харажат қилган ҳолда юқори фойда олиш масалалари айнан шу даврдаги рақобат муҳитининг шакллантирган зарурати бўлиб қолди. Айниқса XX асрнинг 2 ярмидаги илмий техник тараққиётнинг содир бўлиши, инсоният олдига янги муаммоларни қундаланг қилиб куйдикি бундай муаммолар каторига ресурслар тақчиллигининг пайдо бўлиши дунё иқтисодиётидаги кескин интеграция, континентлар ўртасидаги мураккаб боғлиқликлар, ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасидаги кескин рақобат ва бошқа глобал муаммолар киритилиб турли хил ишлаб чиқариш муносабатларини экстенсив ривожлантиришни эмас балки интенсивлаштиришни зарур қилиб куйди. Бундай шароитда самарали бошқариш тўғрисидаги янги назариялар пайдо бўлди. Бошқариш деган сўз бу албатта қарор қабул қилиш деган тушунчани англатади. *Бошқариш – аниқ натижаларга эришиши учун объектга мақсадли йўналтирилган ҳолда таъсир қилишининг шакллари ва усуллари йигиндисидир.* Бошқариш инсон фаолиятининг барча соҳаларига хосдир. Шунингдек, бошқариш соҳаларининг муҳим соҳаларидан бири молиявий фаолиятни бошқариш ҳисобланади.

Корхоналар молиясини бошқариш корхонанинг молиявий фаолиятини бошқариш сифатида реализациядан тушган тушум ва унинг тақсимот обьектлари молиявий бошқаришнинг асосий обьекти ҳисобланади.

Молиявий бошқарувни маълум бир услуб ва тамойилларга ҳамда рағбатлантириш ва санкцияларга таяниб маҳсус аппарат амалга оширади. Маълумки, у ёки бу йўналишдаги вазифаларни бажаришда турли хил йўналишдаги ечимлар мавжуд бўлади, аммо уларни самарали ечишнинг ўзига хос бўлган муаммоларни бор имкониятлардан тез ва самарали фойдаланиш ёхуд, янги давр талабига мос бўлган услубларни жорий этиб кузланган мақсадга эришишдир.

Ҳар қандай бошқарув тизимиға хос бўлгани каби, молияни бошқаришда ҳам обьектлар ва субъектлар мавжуд бўлади.

Молияни бошқаришнинг обьекти бўлиб турли молиявий муносабатлар ҳисобланади. Масалан: давлат бюджети, пенсия фонди, корхоналар ихтиёридаги марказлашмаган фондлар ва суғурта муносабатлари. Молиявий муносабатларнинг туркумланишидан келиб чиқиб, ушбу обьектларга қуйидаги молияни бошқарув субъектлари мос келади: молия органлари ва солиқ инспекциялари, молия хизматлар (бўлим) ва суғурта органлари.

2. Корхоналар молиясини бошқаришнинг назарий асослари ва тамойиллари.

Жамиятда иқтисодиётни ривожлантириш пул маблағларини талаб қиласди. Пул ресурсларини ҳосил этиш, уларни жамлаш, тақсимлаш ва фойдаланиш юзасидан пайдо бўладиган иқтисодий муносабатларга молия дейилади.

Турли мулкчилик шаклларидағи тадбиркорлик тадбиркорларнинг, тадбиркор шахсларнинг молияси молиявий тизимнинг бир бўлими бўлиб ялпи

ички маҳсулотни ташкил бўлиши, тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнларини ўз ичига олади.

Тижорат асосида ишловчи корхоналар ва ташкилотлар ўз молиявий муносабатларни хўжалик фаолиятининг асосларига боғлиқ ҳолда маълум даражада қуидаги таъмойилларга амал қилган ҳолда ташкил қиласди:

- хўжалик мустақиллиги;
- ўз-ўзини молиялаштириш;
- моддий жавобгарлик;
- молиявий заҳира имкониятларни таъминлаш;
- эркин рақобатни изга тушиши;
- корхонани иқтисодий ва юридик мустақил лиги;
- соглом молия – бозор тизимининг мавжудлиги;
- бозор иқтисодиётининг асосий тамойилларини давлат томонидан химояланиши.

Шу тамойиллардан айримларини батафсил кўриб чиқамиз.

Хўжалик мустақил лиги тамойили - бу молияни бошқарища мустақил бўлгандагина амалга ошадиган тамойилдир. Бунда корхоналарнинг турли мулкчилиқда, хусусий мулк, жамоа (ширкат) мулки, давлат мулки, хорижий фукаролар, ташкилотлар давлатлар, шу жумладан хорижий ҳуқуқий ва жисмоний шахслар мулклари шакллари мансуб бўлганлигидан катъий назар улар ўзлари мустақил равишда ўзларини харажатларини молиялаштириш манбаларини, пул маблағлари йўналишларини фойда олиш мақсадида аниқлайдилар. Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларининг ривожланиш хўжалик субъектларини мустақиллик доирасини жиддий равишда кенгайтирди, пул маблағларининг инвестиция соҳасида уларга кенг имкониятлар яратилди. Комерция асосида ишловчи корхоналар ва ташкилотлар кушимча фойда олиш мақсадида ўзларининг молиявий ресурсларининг киска ва узоқ муддатга қимматли қоғозларни комерция ташкилотларидан, давлатдан сотиб олишга йўналтира бошлади, бошқа хўжалик субъектларини устав капиталини ташкил қилиш иштирокчиларига айланади, уз маблағларини комерция банкларининг депозит счёtlарида саклай бошлади. Лекин турли мулкчилик шаклларидаги корхоналарнинг молия ресурсларини уларнинг ўзига карашли пул маблағларидан фойдаланишни шакллантиришда тўла молиявий мустақил ликка эришилди деб бўлмайди. Давлат корхоналари фаолиятининг айрим томонларини чегаралаб, яъни регламентлаб туради. Турли мулкчилик шаклла ридаги тадбиркор корхоналар, мулкдор-тадбиркор шахслар ҳаракатдаги қонунларга мувофиқ белгиланган ставкаларда зарур бўлган солиқларни тўлайди, бюджетдан қисқа жамғармаларни ташкил бўлишда катнашади. Асосий фонdlарга амартизация ҳисоби ҳам давлат томонидан белгиланган меъёр ва қонун асосида олиб борилади.

Ўз-ўзини молиялаштириш тамойили. Бу принципни амалга ошириш хўжалик субъектларини тадбиркорлик фаолиятини ва рақобатбардош бўлишликларини асосий шартидир.

Ўз-ўзини молиялаш – бу маҳсулот (иш, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини тўла коплаш, ишлаб чиқаришга кенгайтиришга йўналтирилган молиявий ресурсларни ўз маблағлари ҳисобидан ва зарур бўлиб колганда бу мақсадлар учун давлат банклари ва тижорат кредитларидан фойдаланиш муҳим демакдир.

Хозирги вақтда корхоналарни ҳаммаси ҳам бу принципни тўла амалга ошира олмаётир. Ҳалк хўжалигининг маълум тармоқдаги айрим корхоналарда объектив сабабларга кўра маҳсулот (иш хизматлар) ишлаб чиқаришда етарли даражада рентабелли бўлмаслиги мумкин. Бундай корхоналарга мудофаа саноат ва бошқа шу каби соҳалар, корхоналар кириши мумкин. Бундай корхоналар бюджетдан ҳар хил шартлар билан молиялаштириши мумкин.

Моддий манфаатдорлик тамойили. Бу тадбиркорликнинг асосий мақсади фойда олишни амалга оширишдан келиб чиқадиган объектив зарурат ҳисобланади.

Хўжалик фаолиятининг натижасидан манфаатдор бўлиш жамоа аъзоларига, корхона ва ташкилотларга, айрим ишчи хизматларига фукаро тадбиркорларга ва давлатга ҳам бирдай тегишилдири. Бу тамойиллар амалга оширишида жамоа кишиларни кониктира оладиган меҳнат ҳақи тўланиши мумкин, давлат солиқ сиёсати оптималлашади, истеъмолга ва жамғармага йўналтириладиган соф фойданинг иқтисодий асосланган пропорция қарор топади.

Моддий жавобгарлик тамойили. Бу корхоналарда молиявий хўжалик фаолиятини натижалари бўйича маълум жавобгарлик тизими мавжудлигидир. Бу тамойилни молиявий услублари алоҳида олинган хўжалик субъектлари, унинг раҳбарлари алоҳида ишчи хизматчилари учун турличадир. Умуман олганда хўжалик субъектига, тадбиркорга нисбатан бу тамоил шартнома мажбуриятлари бузилганда (маҳсулот етказиб бериш муддати, сифати) киска муддатли ва узок муддатли ссудаларни уз вақтида қайтаришмаганда, солиқ қонунчилиги бузилганда, шу хўжаликда фаолият самарасиз бўлиб бу хўжаликка банкротлик процедуралари ишлатилганда ва шунга ухшаш холларда хўжаликдан, тадбиркорлардан жарималар ундирилади ва бошқа чоралар курилади.

Шу тамоилларга асосланиб корхона ўзининг қуйидаги молиявий механизмини ишлаб чиқади:

- мустақил иқтисодий ва ҳуқуқий соҳаларда хўжалик фаолиятни юритади;
- даромадлар ҳисобига харажатларни коплаб ва коидага мувофиқ корхонани рентабелли ишлашни таъминлайди;
- тасаруффига олинган мулк бўйича моддий жавобгарликни гаровини таъминлайди;
- ишчиларнинг меҳнатини рағбатлантиришни таъминлайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар молиявий фаолиятининг мазмунигина эмас, балки уларнинг вазифалари ҳам туб ўзгаришларга дуч келди. Шу муносабат билан ишнинг мазкур қисмида биз бозор муносабатлари

шаклланиши шароитида корхоналар и молиявий фаолиятини ташкил этишнинг асосий вазифаларини комплекс ҳолда кўриб чикишга ҳаракат килдик.

Бизнинг фикримизча, корхоналар молиявий фаолияти тушунчасини тор ва кенг маънода ифодалаш мумкин. Тор маънода корхоналар молиявий фаолияти алохида олинган кичик корхона, хусусий фирма ёки тадбиркорликнинг бошқа шакллари молиявий фаолиятидан иборат. Бу маънода «корхоналар молиявий фаолияти» тушунчаси «корхоналар молиявий фаолияти», «хусусий фирмалар молиявий фаолияти» ва х.к. тушунчалар билан бир хил мазмунни ифодалайди.

Кенг маънода «корхоналар молиявий фаолияти» тушунчаси ижтимоий тақрор ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатагтган, бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган корхоналар корхоналар ининг молиявий фаолиятини ифодалайди. Мазкур тушунчанинг кенг маъноси уни тор маънода тушунишни тўла тарзда уз ичига олади.

Шу асосда корхоналар молиясини корхоналар ва ҳалк хўжалиги тармоклари молиясининг муҳим таркибий қисми сифатида талкин этиш мумкин. Ўз моҳиятига кўра улар давлат томонидан тартибга солиб туриладиган пул муносабатлари бўлиб, мазкур муносабатлар корхоналар корхоналар ининг худудий ва умумдавлат эҳтиёжлари, фондлари ва молиявий ресурсларининг ташкил этилиши, тақсимланиши ва ишлатилиши жараённида вужудга келади.

Юқорида таъкидланганидек, молиявий фаолият тушунчасининг асосини ташкил этувчи молиявий муносабатлар таркибининг ёритилиши, корхоналар молиявий фаолияти гоясини ривожлантиради ва мазкур масала юзасидан Тўлиқ тасаввур яратишга имкон беради. Бошқа сўз билан айтганда, бу ерда муҳим масала корхоналар молиявий муносабатлари таркибини аниқлашдадир. Бозор муносабатларининг ривожланиши, турли мулк ва хўжалик юритиш шаклларига асосланган тадбиркорликнинг кенг тараққиёти шароитида мазкур муаммо янада муҳим аҳамият касб этади.

Шу нарса аниқ тушунарлики, корхоналар молиявий фаолияти асосини ташкил этувчи иқтисодий муносабатларнинг мазмуни ҳақида тушунчага эга бўлмай туриб корхоналар молиявий менежмент асосларини такомиллаштириш ҳақида фикр юритиб бўлмайди. Шу муносабат билан таъкидлаш лозимки, охирги вақтда матбуотда, хатто маҳсус иқтисодий адабигтларда ҳам корхоналар тараққигитининг молиявий масаларини умумий тарзда талкин қилиш учрамоқда.

Бизнинг фикримизча, корхоналар молиявий муносабатлари таркибига тақрор ишлаб чиқариш катнашчилари ўртасида вужудга келадиган қуйидаги пул муносабатлари киради:

1. Корхоналар тизимидағи турли мулк шаклларига асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш шакллари ўртасида турли пул фондлари ва даромадларнинг ташкил топиши, тақсимланиши ва ишлатилиши юзасидан муносабатлар: корхоналар ишлаб чиқариш фондларининг доиравий айланишини таъминлаш ва тақрор ишлаб чиқаришдаги муносабатлар; корхона ва унинг ходимлари ўртасидаги меҳнатга хак тўлаш фонди шаклланиши, мукофот ва рағбатлантириш фондларини ташкил этиш, ишлатиш жараёнидаги муносабатлар ҳамда кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқариш харажатларини молиялаштириш учун қимматли қоғозлар чиқариш билан боғлиқ операциялар.

2. Корхоналар ва уларнинг турли уюшмалари ўртасидаги муносабатлар: марказлашган пул фондларининг ташкил этилиши ва ишлатилиши жараёнидаги пул муносабатлари; капитал куйилмалар, капитал таъмирлашни молиялаштириш фойданинг қайта тақсимланиши ва бошқа молиявий ресурсларнинг шаклланиши ва ишлатилиши билан боғлиқ муносабатлар.

3. Корхоналар ва давлат ўртасидаги муносабатлар:

- давлат ва тегишли идоралар томонидан молиявий масалаларни тартибга солиш жараёнидаги;

- давлат бюджетига тўловлар ва солиқларни, суғурта бадалларини тўлашдаги;

- капитал куйилмаларни молиялаштириш, инновацион фаолиятни рағбатлантириш, фаолиятнинг дастлабки боскичида давлат дастури бўйича кичик бизнесга берилагтган кредитларни олиш жараёнидаги;

- корхонага давлат аҳамиятидаги алоҳида лойиҳа бўйича қонунда кўрсатилган мақсадларга дотация (ёки субсидия) беришдаги ва х.к.

4. Корхоналар ва тижорат банклари ўртасидаги муносабатлар.

5. Корхоналар билан корхоналар ўртасида, корхоналар билан аҳоли ўртасида олди-сотди жараёнида ҳамда қимматли қоғозлар ҳаракати билан боғлиқ муносабатлар. Бу муносабатлар каторига шу билан бирга корхоналар ўртасида вужудга келадиган жарималар, устама тўловлар ҳам киради.

6. Корхона ва касаба уюшмалари ўртасидаги муносабатлар: ижтимоий суғуртага ажратмалар қилиш жараёнидаги; корхона томонидан йўлланмалар сотиб олиш жараёнидаги муносабатлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бозор муносабатлари ривожланиб бориши билан, корхоналар молия муносабатларининг таркиби ҳам янада ўзгариб боради. Шунинг учун корхоналар тараққиёти жараёнида унинг молиявий фаолияти таркибий қисмидаги ўзгаришларни табиий бир хол сифатида караш лозим.

Шундай қилиб, корхоналар тараққиёти амалдаги молия муносабатлари тизимининг кай даражада ривожланганлигига бевосита боғлиқ жараёндир. Бу ердаги асосий муаммо корхоналар тараққиёти даражаси ва унинг бозор иқтисодиёти шароитида амал қилиши талабларига мос ҳолда молиявий менежмент асосларини тўғри ташкил эта олиш ҳамда унинг таъсирчанлигини таъминлашдадир.

3. Молиявий менежментнинг функционал элементлари.

Тадбиркорлик- мулқдан фойдаланиш, товарлар сотиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш натижасида тизимли фойда олишга йўналтирилган мустақил, хатар билан боғлиқ фаолиятдир. Молиявий менежмент билан хўжалик юритишга самарали таъсир этувчи молиявий жараёнлар ўзаро боғлиқ.

Молиявий менежмент корхоналар молиявий фаолиятида молиявий ресурслардан фойдаланиш ва улардан фойдаланишнинг самарали йўналишларини танлаб олишни ўз ичига олиб, бу жараён таҳлил, режалаштириш, бошқарув, молиявий қарор қабул қилиш жараёни билан боғлиқдир. Буни қуидаги чизма орқали кўриб ўтишимиз мумкин.

Юқоридаги молиявий менежментнинг комплекс вазифалари иқтисодий фаолиятнинг молиявий натижаларини моҳияти нуқтаи назардан баҳолаш элементларини уз ичига олади. Чунончи маҳсулот реализацияси натижасида олинган тушум таркибида фойданинг салмоғи, корхонанинг мавжуд активлари таркибида ишchan активларнинг салмоғи яъни айланма ва асосий капиталларнинг салмоғи ва бошқа тизимли баҳолаш асосида молиявий бошқарув механизмини ташкил қилиш молиявий менежментнинг комплекс вазифалари каторига киради.

1- чизма.

Молиявий менежментнинг таркиби¹



Бошқарувнинг молиявий механизмини амал қилиши молиявий кўрсаткичлар ва жараёнлар ҳақидаги аналитик, режали ахборотларни шакллантириш, ўрганиш ва тартибга солиш билан узвий равища боғлиқ бўлади. Аксарият холларда молиявий режалаштириш ва молиявий таҳлил корхонада амалга оширилаётган молиявий ишларнинг мустақил соҳалари ҳам ҳисобланади. Жорий ва оператив молиявий ишлар эса ўз навбатида режалаштириш ва таҳлилга асосланади.

Шуни аҳолида таъкидлаймизки таҳлил блоки узлуксиз равища ахборотларни йигиш, ҳисобини юритиш ва умумлаштиришни уз ичига олади. Режалаштириш блокида эса ҳар қандай бизнес режанинг охирги хulosasi тайёрланади.

Молиявий бошқарув қуидаги функционал элементлардан ташкил топади:

- режалаштириш- ҳар қандай субъект режалаштириш жараёнида ўзининг молиявий ҳолатини баҳолайди ва молиявий ресурсларни қўпайтириш имкониятларини аниқлайди. Режалаштириш жараёнидаги бошқарув қарорлари молиявий ахборотлар таҳлили асосида қабул қилинади.

- оператив бошқариш- молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш ёрдамида харожатларни минимумида максимал саматлантирувчи кўзловчи ҳамда

¹ «Бозор, пул ва крелит» журнали № 4. 2000й.

оператив таҳлил асосида ишлаб чиқиладиган тадбирлар комплексини ўзида акс эттиради.

-назорат- бошқариш элементи сифатида режалаштириш ва оператив бошқариш жараёнида амалга оширилади. Унинг ёрдамида режалаштирилган молиявий ресурслардан фойдаланиш прогноз кўрсаткичларини хақиқий натижалар билан солиштиришлади.

Молияни бошқаришнинг функционал элементлари ичида асосий ўринни режалаштириш ташкил қиласди.

Молиявий режалаштиришнинг объекти бўлиб хўжалик субъектлари ва давлатнинг молиявий фаолияти ҳисобланади. Ҳар бир хўжалик субъекти молиявий режасини тузади, яъни бу алоҳида муассасанинг смета харажатларидан тортиб то давлатнинг йиғма молиявий балансигача қамраб оладиган муҳим жараёндир.

Режалаштириш, бир қатор ўзининг хусусиятли жиҳатларига эга бўлиб, улар қўйидагилар ҳисобланади:

- маълум тартибга солинган жараёнлиги;
- ахборотларни қайта ишлаш билан боғлиқлиги;
- аниқ белгиланган мақсадга йўналтирилганлиги;
- вақтинчалик тавсифга эгалиги.

Режалаштириш деганда- миқдорий ва сифат тавсифидаги маълум бир мақсадларни ўрнатиш ва унга эришишнинг самарали йўлини аниқлаш жараёндир. Молиявий режа молиявий режалаштиришнинг натижасидир.

Молиявий режалаштириш- молиявий ресурслар ва пул маблағлари фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланишни режалаштиришдир.

Молиявий режа- давлат, хўжалик субъектлари даромад ва харажатларини боғловчи, олдиндан қўйилган молиявий мақсадларга эришиш усулларини тавсифловчи ҳужжатдир. Молиявий режалаштириш жараёнида корхонанинг молиявий мақсадлари аниқланади, корхонанинг жорий молиявий ҳолатига ўрнатилган мақсадларнинг мувофиқ келиш даражаси ўрганилади, ўрнатилган мақсадларга эришишга йўналтирилган фаолият кетма кетлиги шакллантирилади.

Молиявий режалаштириш бир нечта услубларга таянган ҳолда амалга оширилади. Шулардан асосийлари бўлиб қўйидагилар ҳисобланади:

- экстраполяция усули;
- норматив усули;
- математик моделлаштириш усули.

Молиявий менежментнинг вазифалари, тамойилларини аниқлаб берувчи молиявий бошқарувнинг ўзига хос З жиҳатларини мавжуд:

1. Молиявий менежмент учун молиявий-хуқуқий шарт шароитлар яратиб берувчи ташкилий жиҳатлар;
2. Бошқарув қарорларининг мезонлари сифатида охирги фойда ва рентабеллик молиявий кўрсаткичларини танлаб олиш;
3. Даромадлари ва харажатлар баланси орқали ҳар қандай иқтисодий фаолият самарадорлигини доимий назорати.

Юқоридаги молиявий менежментнинг З асосий жиҳатларига асосланган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки молиявий менежментнинг самарали фаолияти аввало бошқарув қарорлари учун зарурый ахборотлар билан таъминланишига асосланади.

Иқтисодий субъектлар пул маблағларини шакллантириш, мавжуд молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва ялпи даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнини комплекс бошқарув тизимини уз ичига олувчи молиявий менежмент тизими ҳозирги кунда муҳим иқтисодий аҳамиятга эгадир.

Бахс мунозаралар учун саволлар

1. Молиявий менежментнинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар.
2. Акциядорлик жамиятларида молиявий бошқарув тизимининг ўрни ва аҳамияти нималардан иборат?
3. Молиявит бошқарувнинг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Халқ сўзи газетаси. 2015 йил 17 январь, №11 (6194).
2. Кожухар В.М. Практикум по экономической оценке инвестиций “Издательский дом Дашков и К” -М., 2007. 148 с.
3. Поляк Г.Б. Финансы. - М.: ЮНИТИ, 2006. – 534 с.
4. Ковалева В. Финансы. -М.: Проспект, 2006.- 498 с.
5. Курбанов Х.А. Корпоративные финансы.-Т.:TACIS, 2005.-143 р.
6. Миляков Н.В. Финансы: учебник.2-е изд.- М.: ИНФРА-М, 2004. – 543 с.
7. Брейли Р., Майерс С. «Принципы корпоративных финансов», М.: «Олимп бизнес», 2004- с. 1294.
8. Бочаров В.В. Финансовое инженерия.- СПб. «Питер», 2004 г.

2-Мавзу. Корхоналар пассивларини бошқариш Режа

1. Капиталнинг мазмуни ва корхоналарда пассивларни бошқаришнинг назарий асослари.

2. Капиталнинг алоҳида элементлари ва уни оптимал таркибини шакллантириш бўйича қарорлар қабул қилиш.

3. Молиявий ричаг(левередж) самараси.

Калит сўзлар: капитал, хусусий капитал, қарз капитали, заҳира фонди, молиявий салоҳият модели, дивиденд, соф активлар, акциялар, имтиёзли акциялар, тақсимланмаган фойда, облигациялар, кредиторлик қарзлар.

1. Капиталнинг иқтисодий моҳияти ва гурухланиши.

Капитал- молиявий менежментда доимий фойдаланиб келинаётган иқтисодий категориялардандир.

Капитал- корхонанинг активларига инвестиция қилинган пул, моддий ва номоддий қийматларнинг умумий қийматини ўзида ифодалайди.

Капиталнинг таърифи бўйича иқтисодчи олимларнинг карашлари:

Шодмонов Ш.
Тадбиркор ихтиёридаги барча моддий воситалар, товарлар ва пул маблаглари бигаликда тадбиркорлик капитали деб аталади.

Бочаров В.В.
Капитал- ўзини кўпайтириш учун фойдаланиладиган моддий ва молиявий бойликлардир

КОРХОНА КАПИТАЛЛАРИНИ ТИЗИМЛАШТИРИШ

Корхонага тегишлилиги бўйича

- ўз капитали;
- жалб қилинган капитал

Фойдаланиш мақсадлари бўйича

-ишлаб чиқариш капитали
-ссуда капитали
-савдо капитали

Инвестициялаш шакллари бўйича:

-молиявий шаклдаги капитал;
-моддий шаклдаги капитал;
-номоддий шаклаги капитал;

Инвестициялаш объектлари бўйича:

-асосий капитал;
-айланма капитал.

Доиравий айланиши жараёнида катнашиш шакллари бўйича:

-пул шаклидаги капитал;
-ишлаб чиқариш шаклидаги капитал;
-товар шаклидаги капитал.

Хўжалик шаклларининг ташкиллий ҳуқуқий шакллари бўйича:

-акционерлик капитали;
-индивидуал капитал;
-пайчилик.

Мулкчилик шакллари бўйича

-хусусий капитал;
-давлат капиталы

Жалб этиши манбалари бўйича

-Миллий капитал;
-Хорижий капитал.

Агар биз корхоналар молияси нұқтаи назардан қўриб ўтадиган бўлсак, корхона ва бошқа иқтисодий субъектлар ўртасида капиталларни шакллантириш ва фойдаланиш жараёнидаги пул муносабатларини ифодалашни қўришимиз мумкин.

2.Капиталнинг алоҳида элементлари ва уни оптимал таркибини шакллантириш бўйича қарорлар қабул қилиш.

Акциядорлик жамиятлари капиталларини шакллантириш принциплари қўйидагилардан иборатdir:

- корхона хўжалик фаолияти ривожланишининг истиқболли йўналишини ҳисобга олиш;

- капиталлар таркиби, хажмини корхоналарда шакллантирилган активлар билан мувофиқлигини таъминлаш;

- турли манбалар ҳисобига капиталларни шакллантириш бўйича харажатларни минималлаштириш;

- хўжалик фаолияти натижасида капиталдан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш.

АЖнинг устав фонди акциядорлар сотиб олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади. Жамият чиқарадиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши лозим.

Жамият уставида назарда тутилган, аммо устав фондининг ўн беш фоизидан кам бўлмаган миқдорда жамият заҳира фонди тузилади. Жамиятнинг заҳира фонди жамиятнинг устав фондида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан мажбурий ажратмалар ўтказиш орқали ташкил этилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори жамият уставида назарда тутилади, аммо бу миқдор жамият уставида белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Жамиятнинг заҳира фонди: (а) қўрилган заарни қоплаш, (б)жамият облигацияларини муомаладан чиқариш, (в)имтиёзли акциялар бўйича дивиденклар тўлаш ва Қонунга мувофиқ (г)акцияларни сотиб олишни талаб қилиш хуқуқига эга бўлган акциядорларнинг талабига биноан акцияларни сотиб олиш учун мўлжалланади.

Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

Жамият соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоб-китоб маълумотлари бўйича белгиланган тартибда баҳоланади.

Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин жамият акциядорлари тасдигига тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижаларига кўра жамият соф активларининг қиймати унинг устав фондидан оз бўлиб чиқса, жамият ўз устав фондини соф активлари қийматидан ошиб кетмайдиган миқдоргача камайтиришини эълон қилиши шарт.

Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин жамият акциядорлари тасдигига тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижаларига мувофиқ жамият соф активларининг қиймати белгиланган устав фондининг энг кам

микдоридан оз бўлиб чиқса, жамият ўзини тугатиш хақида қарор қабул қилиши шарт.

Жамиятнинг устав фондини камайтириш ёки жамиятни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинмаса, унинг акциядорлари, кредиторлари, шунингдек давлат томонидан ваколат берилган органлар жамиятни суд тартибида тугатишни талаб қилишга хақли.

АЖнинг келгусидаги ривожланишининг молиявий салоҳияти модели

$$T_{\phi} > T_{xk} > T_a > 100$$

Бу ерда,

T_{ϕ} – фойданинг ўсиш суръати

T_{xk} – хусусий капиталнинг ўсиш суръати

T_a - активларнинг ўсиш суръати

Хусусий капиталнинг қийматини элементи бўйича баҳолаш корпорацияларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашни мувофиқлаштиради. Хусусий капитални қийматини баҳолаш қатор хусусиятларга эгадир:

- акционерларга тўловлар суммаси дивиденд шаклидаги даромалар сифатида солиқقا тортиладиган базага киритилади;
- хусусий капитални жалб қилиш инвесторлар учун юқори даражадаги молиявий хатарлар билан боғлик;
- бухгалтерия балансида ҳисобга олинадиган хусусий капитал хажмини даврий тўғрилаш заруратининг вужудга келади.

Юқоридаги хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, эмитент корпорациянинг хусусий капиталини алоҳида элементи бўйича баҳолаймиз.

Биринчидан, ҳисбот даврида фойдаланилаётган хусусий капитал қийматини ҳисоб-китоби:

$$XK_{\phi} = (C\Phi_o * 100 / XK)$$

XK_{ϕ} – фойдаланилаётган хусусий капитал қиймати;

$C\Phi_o$ – фойдаланиш натижасида акционерларга тўланган соф фойданинг миқдори:

XK - ҳисбот давридаги хусусий капиталнинг ўртача қиймати.

Хусусий капиталнинг мазкур элементини қийматини бошқариш жараёни аввало жорий фаолият бўйича амалга оширилади. Бевосита, келгуси даврда фойдаланиладиган капиталнинг қиймати куйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$XK_{np} = XK_{\phi} * I$$

XK_{ϕ} – фойдаланилаётган хусусий капитал қиймати;

I – корпорация бўйича соф фойда тўловларининг башорат индекси;

Оддий акцияларни эмиссия қилиш ёрдамида жалб қилинадиган қўшимча капиталнинг қиймати куйидагича ҳисобланади:

$$XK_{oa} = (K_{oa} * D_{oa} * I * 100) / (\sum XK_{oa} * (1 - Z_a))$$

XK_{oa} - оддий акциялар чиқариш ҳисобига жалб қилинадиган хусусий капиталнинг қиймати;

K_{oa} - қўшимча эмиссия қилинадиган акциялар миқдори;

D_{oa} - ҳисбот даври мобайнида 1 оддий акцияга тўғри келадиган

дивиденд суммаси

3. Молиявий ричаг(левередж) самараси.

Молиявий ричаг самараси – қарз маблағларидан фойдаланишнинг натижавийлигини тавсифлайди.

$$ROA = \Pi_u : A,$$

Бу ерда

Π_u – иқтисодий рентабеллик

Π_u - иқтисодий фойда

A - активлар

$$E_{mp} = (1-T) (ROA - i) K_c$$

Бу ерда,

E_{mp} - Молиявий ричаг самараси

i - кредит фоизи

K_c – мустақиллик коэффициенти

K_c – мустақиллик коэффициенти қуйидагича хисобланади

$$K_c = \text{Қарз маблағлари} / \text{хусусий капитал}$$

Хусусий капитанинг рентабеллиги(ROE) куйидагича хисобланади

$$ROE = (ROA + E_{mp}) (1-T)$$

ёки

$$ROE = [ROA + (ROA - i) K_c] (1-T)$$

ёки

$ROE = \text{фойда} / \text{хусусий капитал}$

А,В,С акциядорлик жамиятларида хусусий капитал рентабелиги, молиявий ричаг самарасини хисоблаш

Кўрсаткичлар	A	B	C
Активлар	1000	1000	1000
Хусусий капитал	1000	800	500
Қаз капитал	0	200	500
Солиқ ва кредитга тўловларгача бўлган фойда	200	200	200
ROA	20	20	20
Кредитга фоизли тўловлар, 10%	-	20	50
Фойда солиги тўлангунга қадар фойда	200	180	150
Фойда солиги, 10%	20	18	15
Соф фойда	180	162	135
ROE	18%	20,25%	27%
E_{mp}	0	2,25	9

Пул оқими- корхона хўжалик фаолиятида маълум вақт мобайнида жамланадиган пул маблағлари тушумлари ва чиқимлари мажмуасини ўзида ифодалайди.

Пул оқимларини бошқаришнинг таркибий элементлари:

- пул маблағлари ҳаракатини ҳисобга олиш;
- бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича пул оқимларини таҳлил қилиш;
- корпорация молиявий барқарорлигига пул оқимларини таъсирини баҳолаш
- меъёрдаги тўлов қобилияти учун нақд пул маблағлари заҳираларини аниқлаш
- ойлик, кварталлик пул оқимларини прогноз қилиш

Бахс мунозаралар учун саволлар

1. Капиталнинг мазмуни ва корхоналарда пассивларни бошқаришнинг назарий асослари нималардан иборат?
2. Капитал таркиби ва уни оптималлаштириш йўллари нималардан иборат?
3. Молиявий ричаг(левередж) самараси нима ва у қандай ҳисобланади?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Халқ сўзи газетаси. 2015 йил 17 январь, №11 (6194).
2. Кожуҳар В.М. Практикум по экономической оценке инвестиций “Издательский дом Дашков и К” -М., 2007. 148 с.
3. Курбанов Х.А. Корпоративные финансы.-Т.:TACIS, 2005.-143 р.
4. Миляков Н.В. Финансы: учебник. 2-е изд. - М.: ИНФРА-М, 2004. – 543 с.
5. Брейли Р., Майерс С. «Принципы корпоративных финансов», М.: «Олимп бизнес», 2004- с. 1294.
6. Бочаров В.В. Финансовое инженерия.- СПб. «Питер», 2004 г.

3-Мавзу. Акциядорлик жамиятлари активлари ва улар бўйича молиявий қарор қабул қилиш асослари Режа

1. Пул оқимларининг вақтли қиймат концепцияси. Келгуси пул оқимларининг жорий қийматини баҳолаш.
2. Корхоналарнинг активлар структураси, асосий активларлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш.
3. Айланма активлар ва уларни бошқариш

Калит сўзлар: Пул маблағлари, оддий фоиз ҳисоблаш, инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлиги, пулнинг жорий қийматини ҳисоблаш, Тенг даврий тўловлар сериясини жорий қиймати, Умрбод рента, Асосий ишлаб чиқариш фондларини янгиланиш коэффициенти.

1.Пул оқимларининг вақтли қиймат концепцияси. Келгуси пул оқимларининг жорий қийматини баҳолаш.

Пул маблағларини қарзга бериш натижасида унинг эгаси ссуда фоизи куринишидаги аниқ даромадга эга бўлиб, бндей фоизлар аниқ вақт мобайнидаги алгоритмик ҳисоб китоблар асосида аниқланади. Модомики, молиявий операциялардаги стандарт вақт интерваллари асосан 1 йил қилиб олиниб бунда фоиз савкаларини ўрнатиш 1 йил қилиб белгилаб олинади. Ҳозирда дискрет фоиз ҳисоблашнинг 2 усули: оддий ва мураккаб фоиз ҳисоблаш усуллари мавжуддир.

Оддий фоиз ҳисоблаш усули ҳисоблаш олиб бориладиган асоснинг узгармаслигини кўзда тутади. Агар инвестицияланадиган капитал PV бўлиб, талаб қилинадиган даромад і қилиб белгилайдиган бўлсак инвестицияланган капитал йил мобайнида PV^* га усади. Шунингдек, инвестицияланган капитал нийдан сунг қуидаги тенглама асосида ҳисоблаб топилади:

$$FV = P + Pr + \dots + Pi = P * (1 + n * i);$$

Агар фоиз ҳисоблаш мураккаб усулда амалга оширилса биринчи йилда ҳисобланган фоизлар навбатдаги йилда ҳисобланадиган йилга кушилган ҳолда амалга оширилади ёки буни ҳисобланган фоизларни капитализация қилиниши билан фоиз ҳисоблаш механизми деб айтса бўлади. Бунда ҳар йили хиобланган фоизлар инвестор томонидан талаб килимайди ва бу фоизлар асосий капиталга йил давомида кушилиб борилади.

Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлиги уларни ўртача бозор фоизларига нисбатан даромадлилиги билан белгиланади шунинг учун ҳам инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолашда бозор молиявий ахборотларидан фойдаланган ҳолда инвестицион операциялар сифат кўрсаткичларини таҳлил қилинади.

Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш пул куйилмаларининг ҳозири ва келгуси қиймати тушунчаларидан келиб чиқади.

Агар инвестор амалдаги фоиз ставкалари шароитларида аниқ пул суммаларини олишни вазифа қилиб күйса, инвестор ҳозирги вақтда куйиши мумкин бўлган пул суммалари келгусидаги пул суммасини ҳозирги вақтдаги қийматини акс эттиоади. Пулнинг маълум давр мобайнидаги келгуси қийматини ҳисоблашда куйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\begin{aligned} \text{FV- н даврдаги пулларнинг йигиндиси} &= \text{Инвестиция} + \text{фоизли даромад} \\ &= P + iP = P(1+i); \end{aligned}$$

Демак,

$FV_2 = 2$ - йил охиридаги пуллар йигиндиси $= F_1(1+i) = P(1+i)(1+i)$, яъни n йилга йиллик i - ставка, бўйича мураккаб фоизларда ҳисобланган инвестицияларнинг келгуси қиймати

$$FV_n = PV(1+i)^n = P * T_1(i,n), \text{ бу ерда}$$

$(1+i)^n$ - мултипликацияланувчи кўпайтма;

$T_1(i,n)$ - мураккаб фоизларда ҳисобланган пул маблағларининг келгуси қиймати.

FV - пулнинг келгусидаги қиймати;

PV - пулнинг ҳозирги қиймати;

n -маълум давр оралиги.

$T_1(i,n)$ - мазкур кўпайтманинг мазмуни шуки, маълум пул бириги n даврдан сунг шартлашилган i фоизлар асосида канча микдорни ташкил қилишини кўрсатади.

Умуман юқоридаги формула асосидаги пулнинг келгуси қийматини аниқланиши натижасида инвестор томонидан амалга ошириладиган инвестицияларнинг келгуси қиймати баҳоланади.

Масалан, сиз банка 1 млн сум жамғарма кўйдингиз. Йиллик фоиз ставкаси 4 % ва ҳар йиллик мураккаб фоиз ҳисоблаш асосида. 3 йилдан сунг сизнинг ҳисоб ракамингиздаги пуллар канча бўлишини ҳисоблаймиз.

$$FV_n = PV(1+i)^n$$

$$FV_3 = 1000000 \text{ сум} (1+0,04)^3 = 1000000 \text{ сум } T_1(4\%, 3 \text{ йил}).$$

Мураккаб фоизларни ҳисоблашни иловада келтирилган --жадвал кўрсаткичлари асосида куйидаги микдорларга эга булинади:

$$FV_3 = 1000000 \text{ сум } (1,125) = 1125000 \text{ сум.}$$

Банкларни ҳисоблаш амалиётида оддий фоиз ҳисоблаш усули бир йилгача бўлган даврни ташкил қилувчи киска муддали кредит шартномаларида фойдаланилади.

Мураккаб фоизларни йил ичидаги ҳисоблаш усуллари. Юқорида кўриб утган мураккаб фоизларни ҳисоблаш бўйича формалалар асосан бир йилдан кам бўлмаган даврларга блган фоиз ҳисоблаш усуллари. Агар бир йилга шартлашилган фоизлар асосида кварталлик мураккаб фоизларни ҳисоблаш учун куйидаги формуладан фойдаланилади:

$$FV_n = PV(1+i/m)^{n*m} = T_1(i/m, n*m).$$

Мураккаб фоизларни ярим йиллик($m=2$) ҳисоблаш қуйидагичадир:

$$FV = PV(1+i/2)^{n*2} = PV * T_1(i/2, n*2)$$

Масалан, агар сиз 1000000 см депозитга йиллик 20% фоиз ставкаси асосида 5 йилга куйилди. Фоиз ставкалари кварталларда ҳисоблансын. 5 йилда жамғарылган сумма:

$$PV = 1000000$$


$$i/m = 20\% / 4$$

$$n/m = 5*4 = 20$$

$$FV_5 = 1000000 \text{сум}^* (1+0,05)^{20} = 1000000 \text{ сум}^* T_1(5\%, 2) = 1000000 \text{сум} \\ *T_1(2,653) = 2653000 \text{ сум}$$

Инвестициялар учун доимий түловларни бағолашда аннуитеттинг ахамияти юқоридир. Аннуитет аниқ давр мобайнидаги белгиланған вақт интерваллари оралигидеги түловлар сериясидир. Аннуитеттинг келгуси қиймати ҳамма түловларнинг келгуси қийматининг йигиндиси сифатида аниқланади.

Ананавиј равища ҳар кайси түловлар ва аннуитеттинг келгусидеги қийматини аниқлаш учун ҳар кайси түловларнинг келгусидеги қийматини аниқлаш зарур. Қуйидеги мисол асосида күриб утайлик. «AAA» корхона инвестицион портфелида «BBB» корхонанинг сумлик акцияларини сотиб олган. Аннуитеттинг келгуси қийматини ҳисоблашдаги даврларни йилига 3 марта 5%дан даромад түланиши билан белгиланған.



Бундай ҳолатда аннуитеттинг келгуси қиймати 315,25 сумни ташкил қиласи.

$$\text{Агар, } S_n = A(1+i)^{n-1} + A(1+i)^{n-2} + \dots + A(1+i)^0 = A((1+i)^{n-1} + (1+i)^{n-2} + \dots + (1+i)^0) = A * \Sigma (1+i)^t = A(((1+i)^n - 1)/i) = A * T_2(i, n);$$

ёки аннуитетнинг келгуси қиймати қуйидаги формула орқали ҳисобласа ҳам бўлади:

$$FVAn = PMT(1-I)^1 + PMT(1+I)^{(n-1)} + \dots + PMT(1+I)^{(n-2)} = PMT \Sigma (1+I)^{n-t} \quad (2)$$

FVAn-аннуитетнинг келгуси қиймати;
PMT-тўлов сериялари.

Юқоридаги формула орқали инвестицион портфелнинг сифат кўрсаткичларини бозор омилларига нисбатан анилаш имкониятига эга булинади.

Юқоридаги формулалар асосан пулнинг келгуси қийматини аниқлаш учун фойдаланиладиган формулалар ҳисобланиб энди келгуси қийматга асосланган ҳолда **пулнинг жорий қийматини ҳисоблаши** механизмини кўриб чиксак. Келгуси пул йигиндилариинг бугунги қийматини аниқлаб берувчи жорий қиймат юқорида келгуси қийматни аниқлаш формуласига тескари нисбт асосида аниқланади.

Дисконтлаштириш деб номланувчи жорий қийматни аниқлаш бўйича ҳисоб китоблардаги і фоиз ставкалари дисконт ставкаси деб номланади ёки капиталлар қиймати деб ҳам номланади.

Агар келгуси қийматни,

$PV_n = PV(1+i)^n$ формула орқали ҳисобласак. Унда жорий қийматни ҳисоблаш учун қуйидаги ҳисоблашларни амалга оширилади:

$$PV = FV_n / (1+i)^n = FV_n (1/(1+i)^n) = FV_n * T_3(i, n),$$

Бу ерда, $T_3(i, n)$ - 1 сумнинг жорий қиймати(иловадаги жадвалга каранг).

Фараз қилинг, сизга 3 йилдан сунг 1000000 сум тушум олиш имкониятига эга инвестиция таклиф қилинмоқда. Агар сиз 15% инвестициянгиздан даромад олишингиз мумкин булса , қандай максимал суммани сиздан ҳозир талаб қилинади.

Мазкур масалага жавоб бериш учун 6 йилдан сунг 10%даромадга эга бўлган 200000 сум тушумни жорий қийматини аниқлашингиз керак..

$$FV_6 = 1000000 \text{ сум};$$

$$I = 16\% = 0,16;$$

$$N = 3 \text{ йил};$$

Бунда, $T_3(16\%, 3)$ – га 0,641 тенгдир.

$$PV = 1000000 \text{ сум} * (1/(1+0,16)^3) = 1000000 \text{ сум} * T_3(16\%, 3) = 1000000 \text{ сум} * 0,641 = 641000 \text{ сум};$$

Демак 16 йиллик фоизлар асосида 3 йилга 641000 сумни куйилма килснгиз 3 йилдан сунг 1000000 сум тушумга эга буласиз.

Пул маблағларининг аралаш оқимларини жорий қиймати. Пул маблағларини аралаш оқими шароитида ягона ҳисобланадиган формула мавжуд бўлмайди. Чунки даврлар мобайнида пул тушумлари ҳар хил ва фоиз даромадлар ҳам ҳар хил бўлади.

Масалан, фараз қилинг сизга 32000 долл.га тушадиган янги маҳслот ишлаб чиқариш бўйича кушимча линияни ишга туширмокчисиз. Сизнинг ҳар йиллик пул тушумларингиз қуидагини ташкил қиласди:

- 1 йил 10000 долл.
- 2 йил 20000 долл.
- 3 йил 5000 долл.

Агар сиз инвестициянгиздан минимум 10% даромад олишингиз лозим булса бу тўловларнинг жорий қиймати қуидагича бўлади:

Йил	Пул тушумлари	T ₃ (105, n)	Жорий қиймат
1.	10000 долл.	0,909	9090 долл.
2.	20000 долл.	0,826	16520 долл.
3.	5000 долл.	0,751	3755 долл.
			29365 долл.

Модомики сизни режалаштирилаётган пул маблағлари оқимингиз бирламчи талаб қилинаётган инвестициялардан паст булса бу инвестиция лойихасини реализация қилишингиз мумкин.

Тенг даврий тўловлар сериясини жорий қиймати.

Облигациялар, нафака фонди ва суғурта мажбуриятлари тўловлари бўйича олинадиган фоизли даромад барча ҳолатларда тенг даврий тўловлар серияси билан боғлиқдир. Бу молиявий инструментларни солиштириш учун биз уларнинг жорий қийматини билишимиз лозимдир. Тенг даврий тўловлар сериясини жорий қиймати қуидаги тенглама орқали аниқланади:

$$\begin{aligned}
 PV_n &= A * (1/(1+i)^1) + A ((1/(1+i)^2) + \dots + A * (1/(1+i)^n)) = \\
 &= A * (1/(1+i)^1 + 1/(1+i)^2 + \dots + 1/(1+i)^n) = A * \Sigma(1/(1+i)^n) \\
 &= A * 1/i(1 - (1/(1+i))) = A * T_4(i, n),
 \end{aligned}$$

бу ерда,

T₄(i,n)- тенг даврий тўловлар сериясини жорий қиймати.

A-тенг даврий тўловлар сериясининг йигиндиси.

Масалан, фара килайлик 3 йил давомида ҳар йили 10000 долл.дан тўлов олинган шароитда фоизли даромад 10 % ни ташкил килса жорий қиймат нимага тенг бўлади.

$$PV_3 = A * T_4(10\%, 3) = 10000 \text{ долл.} * (2,487) = 24870 \text{ долл.}$$

Демак, 24870 долл. куйилмани йиллик 10% ва йил охирида 10000 долл. тўлов серияси асосида 3 йил тўлов оласиз.

Умрбод рента. Бир катор тенг даврий тўловлар серияси умрбодл рента ҳисобланиб уларнинг ўзига хос хусусияти муддатсизлиги билан

белгиланади. Масалан, имтиёзли акциялар кайсики доимий дивиденд куринишидаги даромад келтиради ёки рента облигацияари.

Умрбод рентанинг жорий қиймати қуйидагича ҳисобланади:

Умрбод рентанинг жорий қиймати = пул тушумлари/ дисконт ставкаси= A/i;

Масалан, фараз қилайлик, рента облигацияси йиллик 80 долл. миқдордаги даромадни таъминлайди ва дисконт ставкаси 10%ни ташкил қиласди. Бунда умрбод рента қуйидагини ташкил қиласди:

$$P = A/i = 80 \text{ долл.} / 0,1 = 800 \text{ долл.}$$

Келгуси йигинди суммани жамғариш учун зарурий йиллик бадалларни аниқлашда биз тенг даврий тўловлар сериясининг келгуси қийматини ҳисоблаш учун шакллантирилган формуладан фойдаланамиз.

$$S_n = A \times T_2(I,n).$$

Мазкур тенгламанинг ҳар иккала томонини $T_2(I,n)$ га бўлиб юборсак, йиллик депозит суммасини аниқлашга эга буламиз.

$$A = S_n / T_2(I,n).$$

Масалан, Сиз йиллик тенг депозитларни 5 йиллик даврнинг охирида 5 минг доллар жамғариш учун талаб қилинадиган йиллик тенг депозитлар миқдорини аниқланг, фоиз ставкаси 10% булсин. Йиллик депозит қуйидагича бўлади:

$$S_5 = 5000$$

$$T_2(10\%, 5 \text{ йил}) = 6,105$$

$$A = 5000 \text{ долл.} / 6,105 = 819 \text{ долл.}$$

Масалан, компания 10000 долл.ни 4 марта тенг тўловларни ҳар 4 йилнинг охирида кетма кет тенг тўлаш шартлари асосида кредит олмокчи. Банкнинг кредит ставкаси 8% ни ташкил қиласди. Ҳар кайси тўловнинг йигиндиси қуйидагича ҳисобланади:

$$PV_3 = 10000 \text{ долл.}$$

$$T_4(8\%, 4 \text{ йил}) = 3,312,$$

$$\text{Бунда, } A = 10000 \text{ долл.} / 3,312 = 3019,3 \text{ долл.}$$

Демак, қарздор шартлар асосида ҳар йилнинг охирида 3019,3 долл. тўлаши лозим.

Юқоридаги масала шартлари асосида ссудаларни қайтариш графигини тузамиз.

Йиллар	Тўлов	Фоиз	Қарзнинг асосий суммасини қайтариш	Қарз кодиги
0				10000 долл.
1.	3019,3	800	2219,3	6980,7 долл.
2.	3019,3	558,4	2460,9	3961,4 долл.
3.	3019,3	316,9	2702,4	942,1 долл.
4.	3019,3	75,3	2944	

4. Корхоналарнинг активлар структураси, асосий активларлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш.

Ҳар қандай корхоналарда такрор ишлаб чиқариш жараёнининг моддий техник асосини ишлаб чиқариш фондлари ташкил қиласди. Ишлаб чиқариш фондлари 2 қисмга бўлинади:

1. Асосий ишлаб чиқариш фондлари(Узок муддатли активлар).

2. Айланма ишлаб чиқариш фондлари(Айланма маблағлар).

Ҳар қандай корхоналарда такрор ишлаб чиқариш жараёнининг моддий техник асосини ишлаб чиқариш фондлари ташкил қиласди. Ишлаб чиқариш фондлари 2 қисмга бўлинади:

1. Асосий ишлаб чиқариш фондлари(Узок муддатли активлар).

2. Айланма ишлаб чиқариш фондлари(Айланма маблағлар).

Асосий воситаларни жалб қилиш ва корхоналар балансига қабул қилиш вақтида асосий воситаларнинг миқдори миқдор жиҳатидан асосий фондларнинг қийматига тўғри келади. Кейинчалик асосий фондларни тақрор ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиши натижасида(А.Ф.ларни эксплуататсия қилиш) уларнинг қиймати 2 га ажратилади: бир қисми эскиришга teng бўлади, иккинчи қисми амалдаги асосий фондларнинг қолдиқ қийматига teng бўлади.

Асосий воситалар БҲМАга асосан узок давом этадиган вақт мобайнида моддий ишлаб чиқариш соҳасида ҳам ноишлаб чиқариш соҳасида амал қиладиган, шунингдек, ижарага бериш учун фойдаланиладиган моддий активлардир.

Асосий воситалар БҲМАга асосан узок давом этадиган вақт мобайнида моддий ишлаб чиқариш соҳасида ҳам ноишлаб чиқариш соҳасида амал қиладиган, шунингдек, ижарага бериш учун фойдаланиладиган моддий активлардир.

Кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқариш жараёнида асосий капитал айланма маблағлардан фарқли ўларок ўзининг қийматини аста секинлик билан бир неча тақрор ишлаб чиқариш жараёнида амортизация фонди шаклида тиклаб боради. Асосий воситалар тақрор ишлаб чиқариш босқичларида капитал қўйилмалар орқали доиравий равишда шаклланиб боради.

Асосий воситаларнинг ҳисбот йили мобайнидаги ўзгариши унинг бирламчи қиймати бўйича амалга оширилади. Бунда йил бошига нисбатан йил

охирига асосий воситаларнинг ўзгариш динамикасини аниқлаш орқали бошқа кўрсаткичлар ҳисобланади.

Асосий воситаларнинг ҳисобот йили мобайнидаги ўзгариши унинг бирламчи қиймати бўйича амалга оширилади. Бунда йил бошига нисбатан йил охирига асосий воситаларнинг ўзгариш динамикасини аниқлаш орқали бошқа кўрсаткичлар ҳисобланади.

3. Асосий ишлаб чиқариш фондларини янгиланиш коэффициенти.

$$K_2 = F_2 / F_1$$

F_2 – ҳисобот даврида киритилган янги ишлаб чиқариш фондлари;

F_1 – йил охирига ишлаб чиқариш фондлари.

Мазкур коэффициентни асосий фондларни янгиланиш коэффициенти деб ҳам аташ мумкин. Бу коэффициент йил охиридаги барча асосий ишлаб чиқариш фондларининг таркибида янги киритилган асосий фондларнинг улушини кўрсатиб беради.

Амортизация	Эскириш
Амортизация- асосий воситанинг фойдали хизмат муддати давомида амортизация қийматини мунтазам равища тақсимлаш ва кўчириш кўринишида эскиришнинг қиймат ифодасидир.	Эскириш асосий воситалардан фойдаланиш вақтида уларнинг техник ишлаб чиқариш хоссаларини аста секинлик билан йўқотиши жараёнидир.
Амортизация ҳисоблаш асосий воситанинг эскиришини ҳисобга олган ҳолда қийматини маҳсулот таннархига ўтказилиши ҳисобланади. Амортизация ҳисоблаш жараёни корхоналар хўжалик фаолиятига бевосита боғлиқ. Амортизация ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган асоси воситалар қийматини шакллантириш мақсадида пул фондини шакллантириш жараёнидир.	Эскириш ишлаб чиқариш жараёнида асосий воситалардан фойдаланиш хусусиятларига боғлиқ.
Умумий хуоса килиб айтганда эскириш амортизациянинг дастлабки шарт шароитидир.	

Кўйидагиларга амортизация ҳисобланмайди:

- Ер
- Маҳсулдор ҳайвонлар
- Кутубхона фонди
- бюджет ташкилотлари асосий фондлари
- тўлиқ амортизацияланган асосий воситалар.

Корхонада амортизация ҳисоблаш механизми воситасида амортизация сиёсати амалга оширилади. Хўжалик амалиётида амортизация фондини ҳисоблашнинг қўйидаги турлари мавжуддир:

- Тўғри чизиқли усул.
- Тезлаштирилган усул.
- Амортизацияни бажарилган ишнинг ҳажмига мутаносиб тарзда ҳисоблаш

(ишлиб чиқариш усули).

5. Айланма активлар ва уларни бошқариш

Хиссадорлик жамияларида жорий активларни бошқариш активларни бошқариш тизимининг муҳим буғинларидан бири саналади. Жорий активлар кўп ҳолларда айланма маблағлар ёки айланма капиталлар деб ҳам юритилади. Қўйидаги чизмадан айланма активлар таркибини 1 чизмада кўриб ўтдик.

Айланма ишлиб чиқариш фондлари ишлиб чиқариш учун зарур бўлган хомашё захиралари материаллар сотиб олинган ярим фабрикатлар, ёқилғи, кам баҳоли ва тез тузувчи буюмларни ремонти учун эҳтиёт қисмлар, тугалланмаган ишилб чиқариш (келгуси йил сарфлари)дан ташкил топади. (1 чизма).

Муомала фондлари таркибига тайёр маҳсулот, пул маблағлари ва ҳисоб-китоблардаги маблағлар киради. Айланма ишилб чиқариш фондлари ва муомала фондлари йифиндиси корпорация мулкининг умумий суммасининг бир қисмини ташкил этади ва ундан 3% микдорда мулк солиги тўланади.

Корпорация айланмасида айланма маблағлар маҳсулот ишилб чиқариш ва сотиш харажатларини молиялаштиришни манбаи бўлиб ҳисобланади.

Айланма маблағларни мавжудлиги корхонанинг ишилб чиқариш ва тижорат фаолиятини таъминлайди, шу билан бирга корпорациянинг ўзига қарашли маблағларини мавжудлиги корпорациянинг молиявий барқарорлигини билдиради, уни молиявий бозорда ҳолати, тўлов қобилияти даражасини изоҳлади.

Айланма маблағларини ташкил этишни асосий вазифаларидан бири бўлиб меъёрлаштириш ҳисобланади.

Меъёрлаштиришни кўллаш корпорацияга зарур микдорда ўзининг айланма маблағларини белгилаш ва шу билан бирга корпорацияни ишилб чиқариш ва ҳисоб-китоб вазифаларини тўлиқ амалга ошириш учун шароит яратади.

Умуман олганда корпорацияларнинг айланма маблағлари-бу корпорациянинг жорий активларига кўйилган капиталларнинг қисми ҳисобланади. Корпорацияларда айланма маблағларини бошқариш айланма маблағларнинг айланиши, самарадорлик кўрсаткичларини молиявий баҳолаш кўрсаткчилари асосида аниқланади. Айланма маблағлар режалаштириш даражасига қараб нормалаштирилган ва нормалаштирилмаган маблағларга булинади. Нормалаштирилган маблағларга жўнатилган товарлар, пул маблағлар ва ҳисоблашишдаги маблағлар киради. Нормалаштирилмаган маблағларга эса, қолган элементларнинг ҳаммаси киради.

Айланма маблағлар ташкил топиш манбалари бўйича ўзига қарашли ва қарз маблағларига (мажбурият) булинади. Ўзига қарашли айланма маблағларнинг ташкил топиш манбаларига сармоя учун ажратилган маблағлар киради. Қарз маблағлар манбаига эса, банк кредитлари ва кредиторлар киради.

Қўйида келтирилган жадвалда «Сурхонозиқовқатсаноати” ОАЖнинг активлар таркибини кўриб ўтамиз.

Корхонанинг узоқ муддатли активлари 2011 йилда 3489,4 млн.сўмни ва 2012 йил бу кўрсаткич 5007,3 млн. сўмни ташкил қилган яъни кўриб ўтилаётган даврлар мобайнида узоқ муддатли активларнинг ўсиш суръатлари кузатилган.

Корхонанинг умумий активлари таркибидаги узоқ муддатли активларниң салмоғи ортиб борди ва 2012 йилда 30,1%ни ташкил қилди. Натижада айланма ва узоқ муддатли активларниң солиштирма нисбати коэффициенти 2011 йилда 2,8ни ташкил қилган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 2,3 ни ташкил қилди.

Жадвал маълумотларини таҳлил қилиш билан бир қаторда кейинги йилларда корпорациялар капиталлари узоқ муддатли активларда жамланаётганлиги аниқланди. Ўзоқ муддатли активларниң асосий салмоғини асосий воситалар ташкил қилган. 2010 йил баланс маълумотлари бўйича асосий воситаларниң қолдиқ қиймати 4330,1 млн.сўмни ташкил қилган.

1-жадвал

«Сурхонозиковқатсаноати” ОАЖ нинг активлари таркиби¹

№	Кўрсаткичлар	2011 й.		2012 й.	
		(млн.сўм.)	(%)	(млн.сўм.)	(%)
1	Ўзоқ муддатли активлар	3489,4	26,4	5007,3	30,1
2	Айланма активлар	9753,6	73,6	11669,1	69,9
3	Жами активлар	13243,0	100	16676,4	100
4	Айланма ва ўзоқ муддатли активларниң солиштирма нисбатлари коэффициенти (2/1)	2,8		2,3	

Узоқ муддатли активларниң таркибидаги узоқ муддатли инвестициялар кейинги 2 йил мобайнида ўсиб бориб, 2012 йилда 120,9 млн.сўмни ташкил қилган. Капитал қўйилмалар хажми ҳам 2012 йилда 481,9 млн.сўмни ташкил қилиб, 2011 йилга нисбатан қарийиб 2 баробарга ўсган.

Узоқ муддатли активлар таркибидаги инвестициялар ва капитал қўйилмаларниң ўсиш динамикаси, корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва модернизациялашга қаратилган инвестиция сиёсатининг амалий натижаси ҳисобланади.

Айланма маблағлар-корхонанинг жорий активларига қўйилма қилинган капиталнинг бир қисмидир. Ўзининг моддий белгилари бўйича айланма маблағларниң таркиби: меҳнат предметлари (хом ашё, материаллар, ёқилғи), корпорация омборидаги тайёр маҳсулот, қайта сотишдаги товарлар, пул маблағлари, ва ҳисоб китобдаги маблағлар(дебиторлик) ҳисобланади.

Айланма маблағларниң ўзига хос хусусиятлари шундаки уларнинг айланниши тезлиги жуда юқори. Ишлаб чиқариш жараёндаги айланма маблағларниң роли асосий маблағлардан фарқ қиласди. Айланма маблағлар ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлайди.

Айланма маблағлар ишлаб чиқариш жараёнида ўзининг натурал шаклини тулиқ йуқотиб тайёр маҳсулотнинг қийматига тулиқ акс эттиради.

Бошқарув тизимининг ўзига хос хусусиятлари корхнларадаги такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ўзлуксиз равишда давомийлигини таъминлаш учун зарурий айланма маблағлар миқдорини аниқлаш ва айланма маблағларга бўлган молиявий эҳтиёжни таъминлашнинг оптималь вариантлари бўйича молиявий қарор қабул қилиш ҳисобланади. Айланма маблағларниң умумий салмоғида қарз маблағларининг улуши сезиларли даражани ташкил қилиши

¹Манба: ««Сурхонозиковқатсаноати” ОАЖнинг ҳисобот маълумотларидан фойдаланилди.

мумкин. Аксарият мамлакатларда айланма маблағларнинг таркибидаги хусусий ва қарз маблағларининг ўртача даражалари мавжуд. Масалан, Россияда уларнинг нисбатлари-50/50, АҚШда- 60/40, Японияда- 30/70 ўртача нисбатлар мавжуддир.

Биз таҳлил қилаётган “Сурхон озиқ-овқат саноати” ОАЖнинг айланма маблағлари тўғрисидаги маълумотни қуидаги жадвалдан қўришимиз мумкин.

2-жадвал

“Сурхон озиқ-овқат саноати” ОАЖнинг активлари таркиби²

№	Кўрсаткичлар	2011 й.		2012 й.	
		(млн.сўм.)	(%)	(млн.сўм.)	(%)
1	Товар-моддий заҳиралар	4394,9	45,1	5281,6	45,2
2	Келгуси давр харажатлари	16,1	0,2	0	0
3	Дебиторлик қарзлар	4945,0	50,7	6164,9	51,9
4	Пул маблағлари	322,6	3,3	463,1	3,3
5.	Қисқа муддатли инвестициялар	74,8	0,7	14,3	0,1
	Жами айланма маблағлар	9753,6	100	11669,0	100

Жадвал маълумотларидан қўриниб турибдики, айланма маблағларнинг таркибida дебиторлик қарзлар ва товар моддий заҳиралар асосий салмоқни ташкил қилмоқда. 2011 йилда товар моддий заҳиралар 4394,9 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 5281,6 млн.сўмни ташкил қилиб, жами айланма маблағларнинг 45,2%ини ташкил қилган. Дебиторлик қарзлар эса 2011 йилда 4945,0 млн.сўмни, 2012 йилда эса бу кўрсаткич 6164,9 млн. сўмни ташкил қилиб, жами айланма маблағларнинг 51,9%ини ташкил қилган. Шунингдек, пул маблағлари миқдори 2011 йилда 322,6 млн.сўмни, 2012 йилда эса 463,1 млн.сўмни ташкил қилган. Қисқа муддатли инвестициялар кейинги 2 йилда кескин камайган.

Бизга маълумки, айланма маблағлар таркибida ишлаб чиқариш фондлари ва муомала фондларининг маълум нисбатларини таъминланиши талаб қиласди.

Хусусан, муомала фондларининг салмоғини ортиб кетиши айланма маблағлар айланниш тезлигига ва самарадорлигига салбий таъсир этади ҳамда жорий ликвидлилик кўрсаткичининг ёмонлашиши оқибатида қўшимча молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжнинг ортишига олиб келади.

Шу нуқтаи назарда корпорациянинг баланс маълумотларини таҳлил натижасида муомала фондларининг асосини ташкил қилувчи дебиторлик қарзларининг айланма маблағлар таркибидаги юқори салмоғи ва ўсиш динамикаси маълум даражада қорпорация молиявий хизмат тизими учун ташвишли ҳол ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, асосан сотиб оловчилар ва буюртмачиларнинг қарзларидан ташкил топган дебиторлик қарзларини камайтириш бўйича чоралар қўрилиши лозимдир.

Корпорацияда ишлаб чиқаришини модернизациялашга йўналтирилган инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш заруриятини ҳисобга олган ҳолда нисбатан паст даражадаги пул оқимлари ташвишли ҳолат ҳисобланади.

² Манба: “Сурхонозиковкатсаноати” ОАЖнинг хисобот маълумотларидан фойдаланилди.

“Сурхонозиқовқатсаноати” ОАЖ раҳбарияти режалаштирилаётган даврга муддати ўтган дебиторлик қарзларини йиғиши ва дебиторлик қарзларини меёрдаги миқдорини таъминлашга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқиши лозим.

Бахс мунозаралар учун саволлар

1. Пул оқимларининг вақтли қиймат концепцияси- деганда нима тушунилади?
2. Пул маблағларининг аралаш оқимларини жорий қиймати қандай баҳоланади?
3. Корхоналарнинг активлар структураси, асосий активларлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Халқ сўзи газетаси. 2015 йил 17 январь, №11 (6194).
2. Курбанов Х.А. Корпоративные финансы.-Т.:TACIS, 2005.-143 р.
3. Миляков Н.В. Финансы: учебник. 2-е изд. - М.: ИНФРА-М, 2004. – 543 с.
4. Брейли Р., Майерс С. «Принципы корпоративных финансов», М.: «Олимп бизнес», 2004- с. 1294.
5. Бочаров В.В. Финансовое инженерия.- СПб. «Питер», 2004 г.

4- Мавзу. Пул оқимларини бошқариш ва бюджетлаштириш Режа

1. Пул оқимлар тушунчаси ва унинг мазмуни.
2. Пул оқимларининг таҳлили.
3. Пул оқимларини прогнозлаш ва оптималлаштириш.

Калит сўзлар: баланс ликвидлилиги, асосий фаолият, инвестицион фаолият, Пул оқимларини прогнозлаш, пул маблағларини оптимал миқдори.

1. Пул оқимлар тушунчаси ва унинг мазмуни.

Пул оқими- корхона хўжалик фаолиятида маълум вақт мобайнида жамланадиган пул маблағлари тушумлари ва чиқимлари мажмуасини ўзида ифодалайди.

Пул оқимларини бошқаришнинг таркибий элементлари:

- пул маблағлари ҳаракатини ҳисобга олиш;
- бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича пул оқимларини таҳлил қилиш;
- корпорация молиявий барқарорлигига пул оқимларини таъсирини баҳолаш
- меъёрдаги тўлов қобилияти учун нақд пул маблағлари заҳираларини аниқлаш
- ойлик, кварталлик пул оқимларини прогноз қилиш

Акциядорлик жамиятлари учун пул оқимларини бошқаришининг зарурлиги:

- баланс ликвидлигини тартибга солиш ва иқтисодий ўсишни прогнозлаштириш;
- айланма активларни самарали бошқариш;
- капитал харажатлар ва унинг молиялаштири манбаларини муддатли параметрларини режалаштириш.

2. Пул оқимларининг таҳлили.

Пул оқимларини бошқариш молиявий менежерининг энг муҳим вазифаларидан бўлиб, қўйидагиларни қамраб олади:

- 1.Пул маблағларининг муомалада бўлиш вақтини ҳисоб-китоб қилиш (молия цикли);
2. Пул оқимини таҳлил қилиш;
3. Пул оқимини башорат қилиш.

Корхонанинг ликвидлигини бошқаришда пул оқими циклининг (молия цикли) ўрни бекёс.

Молия цикли пул маблағлари айланмадан чиқарилган вақтни ифодалайди.

Бошқача қилиб айтганда, молия цикл қўйидагиларни қамраб олади:

- пул маблағларини хомашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва маҳсулот ишлаб чиқариш учун керакли бошқа активларга инвестициялаш;

- маҳсулот сотиши, хизматлар кўрсатиш ва ишлар бажариш;
- маҳсулот сотиши, хизматлар кўрсатиш ва ишлар бажаришдан пул тушуми олиш.

Ушбу фаолият турлари ўтадиган тартиб туфайли компания ликвид-лиги бевосита ҳар бир фаолият тури учун алоҳида пул билан опера-циялар ўтказишидаги вақт фарқининг таъсири остида бўлади.

Пулларни сарфлаш, маҳсулот сотиши ва пул тушумининг келиб тушиши вақт бўйича бир-бирига мос келмайди, натижада ёки катта миқдорда пул оқимида, ёки ликвидликни қўллаб-қувватлаш учун бошқа манбалардан (капитал ва қарз маблағлари) фойдаланишга эҳтиёж пайдо бўлади.

Пул оқимларини бошқаришда ишлаб чиқариш ресурсларини ҳарид қилиш пайтидан сотилган товарлар учун пул маблағлари келиб тушган пайтгача бўлган вақт оралиғидан иборат молия циклининг давомийлиги муҳим аҳамиятга эга.

Корхоналар нормал фаолият кўрсатишининг асосий шартларидан бири пул оқимлари таҳлили баҳолашга имкон берадиган пул маблағлари билан таъминланганлик ҳисобланади.

Асосий фаолият бу – корхонанинг унга асосий даромадларни келтирадиган, шунингдек, инвестиция ва молия билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолият турларидир. Қуйидаги 1 –жадвалда пул маблағлари оқимининг кириши ва чиқиши асосий йўналишлари келтирилган.

1-жадвал

Асосий фаолият бўйича пул маблағлари оқимининг кириши ва чиқими асосий йўналишлари

Пул оқимлари кирими	Пул оқимлари чиқими
1. Маҳсулот, иш, хизматларни сотищдан олинган пул тушуми.	1. Пудратчи таъминотчиларнинг рақамлари бўйича тўловлар.
2. Буюртмачи ҳаридорлардан бўнак олиш.	2. Иш ҳақи тўлаш
3. Бошқа пул тушумлари (хисобот берадиган шахсларнинг, таъминотчиларнинг пул маблағларини қайтариб бериши).	3. Ижтимоий сугўрта ва бошқа бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар. 4. Бюджет билан солиқлар бўйича хисоб-китоблар 5. Кредит бўйича фоизлар тўлаш 6. Берилган бўнаклар

Асосий фаолият тури асосий фойда манбаси эканлиги сабабли у пул маблағларининг ҳам асосий манбаси ҳисобланиши лозим.

Инвестицион фаолият узок муддат фойдаланиладиган мулкни сотиб олиш ва сотиши билан боғлиқ.

Инвестицион фаолият билан боғлиқ пул маблағларининг ҳаракати ҳақидаги маълумотлар келажакда пул оқими кириши ва фойда олишни таъминловчи ресурслар ҳарид қилишга ҳаражатларни акс эттиради.

2-жадвал

Инвестицион фаолият бўйича пул маблағлари оқимининг кирими ва чиқими асосий йўналишлари

Пул оқимлари кирими	Пул оқимлари чиқими
1. Узоқ муддат фойдаланиладиган активларни сотишдан олинадиган тушум	1. Узоқ муддат фойдаланиладиган мулкни сотиб олиш (асосий воситалар, номоддий активлар)
2. Узоқ муддатли молиявий қўйилмалардан фоиз ва дивиденклар	2. Капитал қўйилмалар
3. Бошқа молиявий қўйилмаларнинг кайтиши	3. Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар

Инвестицион фаолият умуман олганда пул оқими вақтинчалик чиқишига олиб келади.

Молиявий фаолият бу – шундай фаолиятки, унинг натижасида корхонанинг ўз капитали ва қарзга олинган маблағлар таркиби ва ҳажмида ўзгаришлар вужудга келади.

Ҳисобланадики, корхона акциядорлардан ресурслар олиб (акциялар эмиссияси), уларга ресурсларни қайтариб берган (дивиденд тўловлари), кредиторлардан ссуда олиб, ссуда сифатида олинган маблағларни қайтариб берган ҳолларда молиявий фаолиятни амалга оширади. Молиявий фаолият билан боғлиқ пул маблағларининг ҳаракати ҳақидаги ахборот келажакда корхона капитали таъминотчилари эга бўлиши мумкин бўлган пул маблағлари ҳажмини башорат қилишга имкон беради. Молиявий фаолият бўйича пул маблағлари оқимининг кириши ва чиқиши йўналишлари қуидаги жадвалда акс эттирилган.

3-жадвал

Молиявий фаолият бўйича пул маблағлари оқимининг кириши ва чиқиши асосий йўналишлари

Пул оқимлари кириши	Пул оқимлари чиқиши
1. Олинган ссуда ва қарзлар	1. Илгари олинган кредитларни қайтариш
2. Акция ва облигациялар эмиссияси	2. Акция ва облигациялар дивиденд ва фоизлар тўлаш
3. Акция ва облигациялар бўйича фоиз ва дивиденклар олиш	3. Облигацияларни қондириш

Молиявий фаолият асосий ва инвестицион фаолият турларини таъминлаш учун корхона тасарруфидаги пул маблағларини ошириши кўзда тутилган.

Ҳар бир фаолият тури бўйича якун чиқариш лозим. Жорий фаолият бўйича пул оқимининг чиқиши устунлик қилса яхши эмас. Бу олинган пул маблағларининг корхона жорий тўловларини таъминлаш учун етарли эмаслигини кўрсатади. Бу ҳолатда жорий ҳисоб-китоблар учун пул маблағларининг етишмаслиги карзга олиган ресурслар билан қопланади. Агар бунинг устига инвестицион фаолият бўйича пул оқи-мининг чиқиши кузатиладиган бўлса, корхонанинг молиявий мустақил-лиги пасаяди.

Пул оқимининг кириши корхона молиявий фаровонлигининг шартларидан бири ҳисобланади. Бироқ пул маблағларининг ҳаддан ортиқ кўплиги шундан далолат берадики, аслида корхона пулнинг қадрсизланиши, шунингдек, уни фойдали жойлаштириш натижасида олиш мумкин бўлган фойдани қўлдан чиқариш билан боғлиқ заарлар кўрмокда.

Пул оқимларининг ликвидлилик коэффициенти:

$$КЛ = (ПМТ - (ДАЙБ - ДАЙО)) / ПМС;$$

Бу ерда:

КЛ- ликвидлик коэффициенти;

ПМТ- пул маблағлари тушуми;

ДАЙБ- йил бошидаги пул маблағлари қолдиги;

ДАЙО- йил охиридаги пул маблағлари қолдиги;

ПМС – Пул маблағларининг сарфланиши суммаси.

Пул оқимларининг ликвидлилик коэффициенти:

$$КС = СПО / ПМС;$$

Бу ерда:

КС- пул оқимларининг самарадорлик коэффициенти;

СПО- соғ пул оқимлари;

ПМС – Пул маблағларининг сарфланиши суммаси.

Пул оқимилари ҳаракатининг умумий модели:

$$d_0 + \Delta_+ d - \Delta_- d = d_1$$

Бу ерда,

d_0 , d_1 – ҳисобот даврининг боши ва охирига пул маблағларининг қолдиги;

$\Delta_+ d$ – ҳисобот даври мобайнида пул маблағлари тушуми;

$\Delta_- d$ – ҳисобот даври мобайнида пул маблағлари чиқими.

3. Пул оқимларини прогнозлаш ва оптималлаштириш.

Пул оқимларини прогнозлаш қўйидаги босқичларда амалга оширилади:

1. Маълум даврга пул тушумларини прононозлаш

2. Пул оқимларини чиқимини прогнозлаш

3. Пул оқимларини чиқимини прогнозлаш

4. Қисқа муддатли молиялаштиришда умумий эҳтиёжни ҳисобга олиш

Пул оқимларини оптималлаштириш бўйича ҳалқаро амалиётни тадқиқ қилиш натижасида қўйидаги умумий модел тавсия этилади:

Ҳисоб рақамдаги пул маблағларини оптимал миқдорини (Q) ҳисоблаш формуласи:

$$Q = \sqrt{(2 * V * c) / r}$$

Демак, пул маблағларининг белгиланан лдаврдаги ўртача захираси $Q/2$ га тенг бўлади.

Бу ерда,

V – маълум давр мобайнида пул маблағларига бўлган эҳтиёж;

C – қимматли қоғозларни пулга конвертациялаш билан боғлиқ харажатлар;

r – қисқа муддатли қимматли қоғозлар бўйича фоизли даромад.

Баҳс мунозаралар учун саволлар

1. Пул оқимларини бошқаришнинг зарурлиги нималардан иборат?
2. Пул оқимларини талил қилишнинг қандай усуллари мавжуд?
3. Пул оқимларини прогнозлаштириш ва оптималлаштириш йўллари.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш хисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Халқ сўзи газетаси. 2015 йил 17 январь, №11 (6194).
2. Курбанов Х.А. Корпоративные финансы.-Т.:TACIS, 2005.-143 р.
3. Миляков Н.В. Финансы: учебник. 2-е изд. - М.: ИНФРА-М, 2004. – 543 с.
4. Брейли Р., Майерс С. «Принципы корпоративных финансов», М.: «Олимп бизнес», 2004- с. 1294.
5. Бочаров В.В. Финансовое инженерия.- СПб. «Питер», 2004 г.

5-Мавзу. Акциядорлик жамиятлари молиявий натижаларининг шаклланиши ва тақсимланиши

Режа

1. Корхоналар молиявий натижаларнинг шаклланиши.
2. Харажат ва сарфлар тушунчаларининг мазмуни ва моҳияти.
3. Фойда ва унинг манбалари.
4. Дюпон формуласи ва фойдага таъсир этувчи омиллар.

Калит сўзлар: тушум, ялпи фойда, умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда; молиявий фаолиятдан олинган даромадлар, соликлар, фойда, Дюпон формуласи, рентабеллик.

1. Корхоналар молиявий натижаларнинг шаклланиши.

Корпорацияларнинг пул даромадларининг асосий манбаи маҳсулот реализациясидан тушум хисобланади. Шунингдек, пул даромадлари ишлаб чиқариш ва фаолиятнинг барча турларидан олинадиган молиявий натижалар асосида шакллантирилади.

Маҳсулот реализациясидан тушум ўзида реализация қилинган товарлар ва кўрсатилган хизматлар хисобига корпорация ҳисоб рақамига келиб тушган пул маблағлари йифиндисини ўзида акс эттиради. Маҳсулот реализациясидан тушум корпорациянинг пул даромадларини асосий манбаи хисобланади. Реализациядан тушум муҳим молиявий категория сифатида товарлар етказиб берувчи ва истемолчи ўртасидаги пул муносабатларини ўзида акс эттиради. Молиявий категория сифатида тушум корпорациялар молиявий ресурсларининг ва пул маблағларининг бош молиявий манбаи хисобланади. Шунингдек молиянинг корхоналар доирасидаги тақсимот функциясини асосий обьектларидан бири хисобланади.

Бизнес корпорацияларининг молиявий ресурсларидан самарали фойдаланишда пул оқимларини тўғри режалаштириш ва бошқариш муҳим роль ўйнайди. Пул оқимлари тадбиркорлик субъективининг бир йил давомидаги барча сарфланган ва кирим қилинган пул маблағлари ҳаракатини ифодалайди. Корпорациянинг «пул оқимлари» тушунчаси ўзида корпорация фаолиятининг узликсизлиги жараёни давомида пул маблағлари тушуми ва чиқимининг тақсимланиш йифиндисини акс этиради.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхона пул оқимла-рини шакллантирасдан бозорда ўз фаолиятини юритиши учун пул айланмасини бошқариш усувларини мукаммал эгаллаш талаб этилади.

БХМС №3га биноан молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисботда қўйидагиларни очиб бериш зарур:

- 6.1. Савдо-сотикдан тушган соф тушум;
- 6.2. Савдо-сотикнинг ялпи молиявий натижалари;
- 6.3. Асосий фаолиятдан келадиган бошқа операцион даромадлари ва харажатлари;
- 6.4. Асосий хўжалик фаолияти молиявий натижалари (фойда ёки зарар);
- 6.5. Молиявий фаолиятга доир бошқа даромадлар ва харажатлар;

- 6.6. Хўжалик умумий фаолиятининг молиявий натижаси;
- 6.7. Фавқулодда фойда ва зарар;
- 6.8. Даромад солиғи тўлангунга қадар умумий молиявий натижалар (фойдалар ёки заарлар);
- 6.9. Ҳисобот давридаги соф фойда (зарар).

$$T = Fa + FMX + FIХФ + FF$$

Бу ерда:

- T – тушум;
- Fa – асосий ишлаб чиқариш фондларининг жисмоний эскиришини тиклашга мўлжалланган амортизация ажратмалари фонди;
- FMX – моддий харажатларни (хом ашё, материаллар, ёқилғи, электр энергияси ва бошқаларни сотиб олиш) молиялаштириш фонди;
- $FIХФ$ – иш ҳақи фонди;
- FF – товарларни реализация қилишдан олинган фойда (солиқлар тўлангунча ва фойдадан бошқа тўланмалар амалга оширилгунча).

Хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг молиявий натижалари фойданинг қуидаги кўрсаткичлари билан тавсифланади:

- маҳсулотни сотищдан олинган ялпи фойда, бу сотищдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади:

$$ЯФ=ССТ-ИТ,$$

бунда,

- ЯФ - ялпи фойда;
- ССТ - сотищдан олинган соф тушум;
- ИТ - сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи;

- асосий фаолиятдан кўрилган фойда, бу маҳсулотни сотищдан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари ўртасидаги тафовут ва плюс асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадлар ёки минус бошқа заарлар сифатида аниқланади:

$$АФФ=ЯФ-ДХ+БД-БЗ,$$

бунда,

- АФФ-асосий фаолиятдан олинган фойда;
- ДХ-давр харажатлари;
- БД-асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;
- БЗ-асосий фаолиятдан кўрилган бошқа заарлар;

- хўжалик фаолиятидан олинган фойда (ёки заар), бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммаси плюс молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар ва минус заарлар сифатида іисоблаб чиқилади:

$$УФ=АФФ+МД-МХ$$

бунда,

- УФ - умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда;
- МД - молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;
- МХ - молиявий фаолият харажатлари;

- солик тўлангунгача олинган фойда, у умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда плюс фавқулодда (кўзда тутилмаган) вазиятлардан кўрилган фойда ва минус заар сифатида аниланади:

$$СТФ=УФ+ФП-ФЗ$$

бунда,

- СТФ - солик тўлангунгача олинган фойда;
- ФП - фавқулодда вазиятлардан олинган фойда;
- ФЗ - фавқулодда вазиятлардан кўрилган заар;

- йилнинг соф фойдаси, у солик тўлангандан кейин хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолади, ўзида даромад (фойда)дан тўланадиган соликни ва минус қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа соликлар ва тўловларни чиқариб ташлаган ҳолда соликлар тўлангунга қадар олинган фойдани ифодалайди:

$$СФ=СТФ-ДС-БС$$

бунда,

- СФ - соф фойда;
- ДС - даромад (фойда)дан тўланадиган солик;
- БС - бошқа соликлар ва тўловлар.

2. Харажат ва сарфлар тушунчаларининг мазмuni ва моҳияти.

Махсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритиладиган харажатлар ва давр харажатлари рўйхати:

- хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг рентабеллигини ва бозор рақобатбардошлигини аниқлаш учун маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш давомида хўжалик юритувчи субъектда пайдо бўладиган барча харажатлар тўғрисида бухгалтерия ҳисоби счёtlарида тўлиқ ва аниқ ахборот шакллантирилиши;

- солик солинадиган базани тўғри аниқлаш мақсадида белгиланади.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритиладиган харажатлар ва давр харажатлари рўйхати:

- хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг рентабеллигини ва бозор рақобатбардошлилигини аниқлаш учун маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш давомида хўжалик юритувчи субъектда пайдо бўладиган барча харажатлар тўғрисида бухгалтерия ҳисоби счётларида тўлиқ ва аниқ ахборот шакллантирилиши;
- солик солинадиган базани тўғри аниқлаш мақсадида белгиланади.

3. Фойда ва унинг манбалари.

Фойда капитал ва ишбилармонлик қобилиятини ишга солиб, ақл-идрок билан иш юритиб, хатарли ишга таваккал қўл урганлиги учун тегадиган молиявий маблағ ҳисобланади.

Фойда шаклланиши корхона фаолиятини энг муҳим томонидир. Фойда массаси натижани ташкил этади ва корхона фаолияти қўлламини кўрсатади. Фойдани харажатлар билан таққослаш корхона фаолиятини самарадорлигини тавсифлайди.

Фойда сотилган маҳсулонинг қиймати билан таннархи айрмаси; кушимча маҳъсулотнинг пул шакли. Фойда даромаднинг бир қисми маҳсулот таннархини пасайтириш; жадаллаштириш асосида ишлаб чиқариш хажмини ошириш фойда ўсишининг, корхона молиясини барқарорлигини асосий омиллари ҳисобланади.

Фойдага З функция хосдир:

- у иқтисодий қўрсаткич бўлиб, хўжалик фаолиятининг молиявий натижаларини қўрсатиб турди,
- фойданинг манфаатдорлик функцияси тақсимоти ва унда фойдаланилади ва намоён бўлади;
- фойда корхоналарнинг молиявий ресурсларини манбаини, маҳаллий ва давлат бюджетларининг даромад қисмларини манбаларини шакллантиришнинг асосидир.

Корхоналар фойданинг хажмига объектив ҳарактердаги ишлаб чиқариш жараёнига боғлиқ омиллар ва хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлмаган объектив омиллар таъсир қилиши мумкин. Объектив омилларга: истеъмол қилинаётган материал ва кувватберувчи ресурсларнинг баҳо даражаси, амортизация ажратмасининг меёрий бозор конюктураси киради.

Интенсив омиллар молиявий согломлаштириш, самарли солик тизимини ташкил қилиш ҳисобига корхоналар уз фойдаларини қўпайтириб беради.

Иқтисод бир меёрда ҳали тўла изга тушмаган ишлаб чиқарувчиларнинг монопол шароити маълум даражада сакланиб турган истеъмол бозорида рақобат деярли йўқ. Инфляция шароитини утаётган иқтисодиётнинг ҳозирги ахволида турли мулкчилик шаклларида корхоналарнинг фойдасини қўпайиши асосан, истеъмол товарларини баҳосини сунъий равища ошириш ҳисобига амалга ошириш мумкин, яъни бунда, фойда тўлдирилиши қўпайиши инфляция оқибатида амалга ошади. Бунда ишлаб чиқаришнинг хажми билан фойданинг миқдори ўртасида ўзаро боғлиқлик йўқ бўлади.

Иқтисодиётнинг издан чикканлиги натижасида хўжалик юритиш механизмларининг таъсири самарали бўлганлиги оқибатида фойданинг ўзига хос функциялари тўла даражада ишламайди. Шу сабабли кўплаб корхоналарда максимал фойда олиниши билан таъминлаш. Қуйидаги интенсив омиллар ҳисобига хўжалик субъектларига нисбатан самарали солиқ тизимини ташкил қилиш.

Фойда турли истеъмолнинг иқтисодий мазмунига караб молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланади. Фойданинг тақсимоти жараёнида давлат органлари орқали жамиятнинг манфаати хўжалик субъектининг бу хўжалик билан муносабат тури бўлган ҳамма хўжалик субъектларининг манфаати айrim ишчи хизматларининг манфаати алоҳида-алоҳида ҳисобга олинади. Тақсимотнинг обьекти ялпи фойда ҳисобланади. Қонунчилик асосида ялпи фойданинг бир қисми солиқли ва солиқсиз мажбурий тўловлар сифатида давлат бюджетига маҳаллий бюджетга келиб тушиши таъминланади.

Хиссадорлик жамиятларида фойдани солиқка тортишга заҳира жамғармалаларини шакллантириш тартиби эътиборга олинади.

Фойданинг тақсимоти қуйидаги тамойиллардан келиб чиқади:

- биринчи навбатда бюджет олдидаги молиявий смажбуриятлар бажарилади;
- турли мулкчилик шаклларидағи фойданинг колган қисми иқтисодий асосланган пропорцияларда жамғармаларга ва истеъмолга булинади.
- Жамғариш билан истеъмол ўртасидаги нисбатни аниқлашда ишлаб чиқариш фондларининг ва етиштирилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлиқ ҳолати ҳисобига олинади.
- Хўжалик субъектлари корхона ихтиёрида колган соф фойдани тақсимлаш жараёнида фойдани тақсимлаш усулини ўзлари мустақил ҳал қиласидилар.

Солиқ тўлангандан кейин корхона ихтиёрида коладиган фойда икки қисмга булинади: биринчи қисми, корхонанинг мулкини кўпайтиради ва жамғариш жараёнида катнашади. Иккинчи қисми фойданинг истемолга ишлатилаётган миқдорини белгилайди. Бунда жамғаришга йўналтирилган барча маблағлрни тўла ишлатиб юбориш шарт эмас. Мулкни кўпайтиришга ишлатилмаган фойданинг қолдиги муҳим заҳира аҳамиятига эга ва кейинги йилларда курилиши мумкин бўлган зарарни коплаш учун, турли харажатларни молиялаштириш учун ишлатилиши мумкин.

Соф фойдани тақсимлашда қуйидаги маҳсус жамғармаларни ташкил қилиш асосида бўлиши мумкин: Жамғарма фонди ва истеъмол ҳамда фойда бевосита алоҳида йўналишларга булиниб заҳира жамғармаларани ташкил қилиши мумкин.

Жамғарма фондлари қуйидаги таркибларни молиялаштиришга фойдаланилади: Илмий-тадқикот ишларга лойиҳалаш, конструкторлик ва технологик ишларга, янги маҳсулот ва технологик жамғармаларни ишлаб чиқариш ва уни ўзлаштириш ишларига техника билан қайта куроллантириш ва корхонани цех бўлимлари қайта тиклаш, узоқ муддатли ссудаларни қайтаришга

ва уларнинг фоизларини тўлашга, таннархга олиб бориладиган суммадан қисқа муддатли ссудаларни тўлашга, айланма маблағларнинг ўсишини коплашга табиатни муҳофаза қилишга, тадбиркорликка боғлиқ харажатларга бошқа корхоналарни низом капиталини ташкил қилувчи сифатида катнашилгандаги маълум даражадаги пай умумий суммаларини тўлашга, хўжалик юритувчи субъект уз таркибига кирган иттифокчи хиссадорлик жамиятлари ёки компанияларга бадал тўловларини тўлашига.

Истемол фонди ижтимоий заруратга ишлатилади. У жамғарма ҳисобидан қуйидаги тадбирларга боғлиқ харажатлар молиялаштиради: ижтимоий –маиший объектлардан фойдаланишга ноишлаб чиқариш объектларини кўришга, согломлаштириш ва маданий оммавий тадбирларни утказишга, ишлаб чиқаришга боғлиқ масъулиятни таъмирлашларни бажаришга боғлиқ ишларни бажарганлик учун бериладиган мукофотларга моддий ёрдам қўрсатишга нафакага кушимча пул маблағларини ажратишга ва бошқаларга йўналтирилади.

Тадбиркорликнинг мақсади нафақат юқори фойда олиш. Шу билан бирга корхоналар хўжалик фаолиятини юқори даражадаги рентабеллик қилишдан ҳам иборатдир. Рентабеллик абсолют фойдада кўрсаткичдан фаркли уларок нисбатан олинган кўрсаткич бўлиб корхона даромадлилигини кўрсатади. Рентабелликни 3-гурух кўрсаткичи мавжуд: маҳсулот рентабеллиги, ишлаб чиқариш фондларининг рентабеллиги, корхонани куйилмаларининг рентабеллигини.

Маҳсулот рентабеллилигини ҳамма сотадиган маҳсулот бўйича аниқлаш мумкин. Биринчи ҳолатда, рентабеллилик ҳамма сотилган маҳсулотдан олинган фойдани унинг ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларига бўлган нисбатини фоиз ҳисобида аниқланади. Бу кўрсаткичлар, корхонани кундалик харажатларини самарадорлигини ва сотилаётган маҳсулотни даромадлигини кўрсатади.

Ишлаб чиқариш фондларининг рентабеллилиги билан фойдани асосий ишлаб чиқариш фондларининг ва материал айланма маблағларининг ўртacha ийлилк қийматига нисбатан фоиз ҳисобида аниқланади. Бу кўрсаткични соғ фойда бўйича ҳам ҳисоблаш мумкин.

4. Дюпон формуласи ва фойдага таъсири этувчи омиллар.

Рентабеликнинг кўп омилли модели(Дюпон формуласи)

$$R = \frac{P}{K} = \frac{P}{N} * \frac{N}{K} = \frac{P}{N} \div \frac{K}{N} = \frac{\frac{P}{N}}{\frac{F+E}{N+N}}$$

Бу ерда,

R- рентабеллик коэффициенти;

P- фойда;

K- капитал;

N- реализация;

F-айланма капитал;

E- асосий капитал;

P/N- айланманинг рентабеллиги;
N/K- фонд қайтими;
F/N –фонд сиғими;
E/N – айланма маблағларнинг айланувчанлиги.

Баҳс мунозаралар учун саволлар

1. Молияивий натижаларнинг шаклланиш манбалари нималардан иборат?
2. Фойдага таъсир этувчи омиллар ва уни тақсимланиши.
3. Дюпон формуласини ҳисоблаш механизми.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Халқ сўзи газетаси. 2015 йил 17 январь, №11 (6194).
2. Кожухар В.М. Практикум по экономической оценке инвестиций “Издательский дом Дашков и К” -М., 2007. 148 с.
3. Курбанов Х.А. Корпоративные финансы.-Т.:TACIS, 2005.-143 р.
4. Брейли Р., Майерс С. «Принципы корпоративных финансов», М.: «Олимп бизнес», 2004- с. 1294.
5. Бочаров В.В. Финансовое инженерия.- СПб. «Питер», 2004 г.

ТАКДИМОТ

1- мавзу

Молиявий менежментнинг мақсади ва вазифалари

1-слайд



2-слайд

Молиявий менежментнинг таркиби¹




¹ «Бозор, пул ва крелит» журнали № 4. 2000й.

Корхона ва ташкилотларнинг молиявий ресурслари ва унинг манбалари

Корхона ва ташкилотларнинг молиявий ресурсларни




2. Молиявий бошқаришнинг таркибий тузилмаси
ва унинг функционал элементлари.



Акциярлик жамиятлари молиясини бошқаришнинг

